Маърифат

معرفت

Халқ зиёлилари рўзномаси

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 28 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

№ 11 (5608).
Баҳоси сотувда 35 тийин.



ИЖОДНИ УСТОЗЛАРДАН ЎРГАНАМАН

Шундай инсонлар бўладики, улар бутун куч-ғайратини, билимини, умумхалқ манфаати йўлида, ёш авлодни ҳар томонлама етук, замон талаблари даражасида тарбиялашдек юксак ва масъулиятли ишга бағишлайди. Бундай кишилар ҳалол, пок, виждонли, меҳнатсевар бўлишади. Афсуски, уларнинг машаққатли меҳнати ҳамиша ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек қадрланаяпти деб бўлмайди. Лекин бу тоифадаги кишилар обрўталаб, мансабталаб эмаслар. Чунки улар зиммасида халқ фарзандини тарбиялашдек муҳим масъулият юклатилганки, буни улар тушларида ҳам, ўнгларида ҳам ҳамиша ҳис қилиб юришади.

Шундайлардан бири Жумабой Рўзимовдир. 17 йилдирки, у Қорақалпоғистон жумҳурияти Беруний ноҳиясидаги 55-ўрта мактабда тарих ва жуғрофия фанларидан ёшларга сабоқ бериб келади. Ўқувчиларга фан сирларини ўргатишда, ўлканинг табиий тузилиши ва тарихий ёдгорликларини тарғиб қилишда унинг ҳиссаси беқиёсдир.

Изланувчан муаллим болар билан чекланиб қолмасдан, ҳамиша ўз устида тинимсиз ишлайди. Устозлар ўгитларидан баҳраманд бўлиб, синфда дарс ўтишнинг янгича усулларини яратишда ноҳиядаги педагогларга ҳамиша ўрнак бўлиб келмоқда.

Жумабой аканинг машаққатли меҳнати юқори ташкилотлар томонидан бир неча бор тақдирланган.

Дарвоқе, сўнгги бор ўтказилган аттестацияда Ж. Рўзимовга олий тоифа даражаси берилди. Бундай шарафга муяссар бўлиш эса ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

СУРАТДА: Ж. Рўзимов янги техника асосида ўқувчиларга навбатдаги машғулотни тушунтирмоқда.

ЁРУҒ КУНЛАР КЕЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ОХУНБОБОЕВ НОҲИЯСИНИНГ ЎҚИТУВЧИ ВА ТАРБИЯЧИЛАРИДАН

ОЧИҚ ХАТ

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизга, Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат сифатида жаҳонга танитиш, унинг халқига ёруғ истиқлолни бахш этиш учун фидойилик кўрсатаётган эл фарзандига, биз ўқитувчилар ҳам ўз қалбимиздаги чуқур миннатдорчиликни изҳор этамиз. Чунки Сиз шу кунгача республикамизнинг ҳеч бир раҳбари ташламаган шаҳдам қадамни ташладингиз.

Элимизнинг асрий орзуси мустақиллик йўлини — истиқлолни Сиз бошладингиз. Бозор иқтисодига ўтишдек мураккаб ва оғир вазиятда ўз халқи учун жонбозлик кўрсатиб, уни ўз ҳимоясига олган президент ҳам Сиз бўлдингиз. Узоқ юртлардан киндик қони тўкилган она-Ватанини қўмсаганларга юрт бағрини очдингиз. Етим-есир, ногирон, гўдаклар ҳам Сизнинг ҳимоянгизда.

Ўқитувчи обрўсини устоз Алишер даражасига кўтаришга ҳаракат қилган, «бир сўм топсам ҳам, уни халқ маорифига сарфлайман», деган ҳам Сиз бўлдингиз. Ўзбекистонни, ўзбек миллати ва ғururini чет элларга ёйган, миллат имонини ҳам қайтариб берган — бу Сизнинг сиёсатингиз. Шунинг учун биз ўқитувчи-зиёлилар сайловолди кампанияларида олижаноб ишларингизни зўр мамнуният билан тарғиб қилдик ва оллойи-таолодан умрингиз боқийлигини тиладик.

Ҳақиқат ҳамиша ғолиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Шу важдан Сиз халқ ўзи сайлаб олган юрт отаси бўлдингиз. Фуқаро ўз отасига ишонади, қувончини ҳам, ташвиш-дардини ҳам рўйи-рост айтади. Бизни Сизга мурожаат этишга мажбур қилган нарса турмуш кечириш шароитининг оғирлашиши, таъминотнинг ўта ёмонлиги, жойларда мактабларга амалий ёрдамнинг йўқлиги, тартиб-интизомнинг бузилиши сабаб бўлди.

Ҳурматли Президент! Декабрь ойи учун олган маошимиз нафақат оила аъзоларимизга, ишга келиб-кетиш ва мактабда овқатланиш учун ўзимизга ҳам етмади. Чунки нархлар шу даражада ошдики, 10 сўмнинг кучи 1—2 сўмга тушиб қолди. Ноҳиямизда чайқов авжига чиқди. Магазинлар таъминланмаслиги оқибатида чайқовдан харид қилиш оила бюджетини тўкиб солмоқда. Ана шу вазият туфайли эндиликда ўқитувчилар ҳаёлида дарс эмас, рўзғор ташвиши бўлиб қолди. Ўқитувчиларда ўта нолиш юзага келмоқда. Сизнинг маошларни орттириш ҳақидаги фармонларингиз шу кунгача ноҳиямизда амалга ошмай турибди. Афсуски, тўсиқ, ғов бўлувчи шахслар ҳали ҳам мавжуд. Эски раҳбарлар яна раҳбарликни давом эттирар эканлар, ҳаёт ўнгланолмайди. Тўраларча раҳбарлик уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Улар вақтдан ютиб, ўзлари учун қайғурмоқдалар, холос.

Сизнинг яхши ниятда чиқарган фармонларингиз маҳаллий ҳокимият раҳбарлари томонидан хўжа кўрсинга бажариляпти. Мисол учун олиб кўрайлик:

— 1—5-синф ўқувчиларига бепул нонушта масаласи масаллиқ етишмаслигидан нон-чой;

— ер-жой бериш фармонингиз ўқитувчиларга адолатсизлик ва камситиш билан татбиқ этиляпти;

— ссуда ва қурилиш материаллари билан таъминлаш номигагина;

— ўқитувчиларга бошқа қулайликлар ва дефицит материаллар билан таъминлаш, колхозчи ва ишчилар қаторидан дон маҳсулотлари бериш маҳаллий раҳбарларнинг хоҳишига қараб бажарилмоқда. Афсуски, шундай.

Мактаб иши — умумхалқ иши деб қаралмаяпти, жамоат ташкилотларининг диққати бу нарсага тортилмаяпти. Бугунга келиб мактаб иши фақат ўқитувчининг иши бўлиб қолди. Ҳеч ким мактаб дарди билан шуғулланмай қўйди. Натижада мактабни бошқариш ўта мураккаб ҳолга тушиб қолди. Оталиқ ташкилоти деб аталмиш колхоз ва совхозлар ўзини ўзи қоплашга ўтиб, мактабларга бир сўм ҳам ажратмай қўйдилар. Бу соҳада тартиб-интизом бутунлай қолмади. Кимга бориб, кимга арз қилишни билмай қолдик. Ўқитувчиларга газ, электр энергия бепул деб берилиши ҳақидаги фармойишларга ҳанузгача аниқлик киритилмаган.

Кейинги йилларда отаоналар ўртасида ўқувчиларнинг давлат мактабларида таълим олишлари юзасидан тушунмовчиликлар, мактабга нисбатан салбий қарашлар юзага келмоқда. Улар ижарага олган ерини баҳона қилиб, фарзандларини мактабдан олиб қолиш, хоҳлаганда ўқишга юбориш ҳоллари юз бермоқда. Умумий интизом ва низомга бўйсунишни истамаётганлар ортиб боряпти. Натижада ёшларга таълим бераётган ўқитувчиларга ноқулай вазият юзага келмоқда. Шунинг учун биз ўқитувчилар навбатдан ташқари халқ депутатларининг IX сессиясида халқ таълими тўғрисидаги Қонун тасдиқланишини жуда катта интиқ билан кутган эдик. Афсуски, Қонун қабул қилиниши орқага суриб ташланди.

Ҳурматли Президент! Бугунги кунда оғизда ўқитувчи обрўси жаранглаяпти-ю, амалда эса обрўсизлантирилмоқда. Парламентнинг ўзида ҳам бу исботланди. Сўзга чиққан нотиқ ўртоқ Хўжаев ўқитувчи ойлиги вазирлар ойлигидан ҳам ортиқ бўлиши мумкин эмас, бюджет буни кўтармайди, ўқитувчиларни 50—55 ёшдан пенсияга чиқариб бўлмайди, деган фикрни билдирди. Ўртоқ Хўжаевни ва у кишининг сафдошларини, олиму академикларни, адибу шоирларни, колхозчи ва ишчиларни ким ҳаётга тайёрлаган? Саволга жавоб аниқ: пешонасини тириш босган, эрта сочи оқарган, 60 ёшга етиб боролмай эрта ҳаётдан кўз юмиб кетаётган, бола билан ишлайбериб, болатабиат бўлиб қолган, қалби пок устоз тарбиялаган. Ҳаётда ҳеч бир зот йўққи, устоз қўлидан ўтмаган бўлсин.

Шу ўринда ўқитувчи турмуш тарзига оид бир неча далилни айтмоқчимиз. Охунбобоев ноҳиясида 1990—91 ўқув йилида 64 нафар ўқитувчи 40—59 ёшда пенсияга чиқа олмай дунёдан кўз юмди. Уларнинг диагнози ягона — қон босими ва асаб хасталиги. 10- ва 30-мактабларда 59 ёшда бўлиб, бугунги кунда тўшакка михланиб ётган 8 нафар ўқитувчи бор.

Бутунлай ишдан чиққанда пенсияга чиқариш — бу жамият золимлиги эмасми?! Агар 50 ва 55 ёшдан ўқитувчи пенсияга чиқарилса, 5—10 йил пенсия даврини суриб қолар эди-ку. Янги Қонунда бунга имконият яратиб бериш зарур, деб ўйлаймиз.

Биз ўқитувчилар халқимизнинг кўп йиллар кутган орзуси тўла ушалишига, Ўзбекистон мустақиллиги барқарорлашиб, жаҳоннинг илғор давлатларига айланишига, эл-юртимиз фаровонлиги кескин юксалишига ишонамиз. Бироқ республикамиз мустақиллигини кўра олмайдиган, унга ҳар қадамда ғанимлик қилиб тош отадиган кучлар ҳам бор. Тошкентнинг Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган тартибсизликларда ҳам ана шу ғаламисларнинг қўли борлиги равшан. Зулмат кўршапалакларининг қилмишлари фош бўлиб, албатта, эл олдида шармисор бўладилар, деб ишонамиз.

Барча халқ ноибларига, бошқарув тизимларида ишлаётган софдил, фидойи ўртоқларга, партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоларига мурожаат қилиб, Президентимиз билан ҳамкор бўлинг, Ўзбекистон мустақиллигини ҳимоя қилишда, порлоқ истиқлолни яратишда бирдам бўлинг, дейміз. Ҳалол ва виждонан меҳнат қилиш, ҳар жабҳада адолатни қарор топтириш, эл-юрт мустақиллиги ва фаровонлиги йўлида жон куйдириб меҳнат қилиш ҳар биримизнинг шон-шараф ишимиз бўлсин!

Истиқлол йўли мактабдан бошланади. Бугунги мактабга, ўқитувчига эътибор — эрта учун мустаҳкам пойдевор! Биз халқ таълими ходимлари буни чин қалбдан ҳис қилган ҳолда ёш авлодни миллий қадриятларимизни эъзозлайдиган элпарвар ва ватанпарвар, чуқур билимли ва ишбилармон, юксак маданиятли ва ориятли чинакам инсонлар қилиб тарбиялашга бутун куч-ғайратимизни сафарбар этаверамиз.

Мурожаат (Очиқ хат) Охунбобоев ноҳия халқ таълими ходимлари касаба уюшмасининг IV пленумида қабул қилинди.

Очиқ хатни 2700 нафар ўқитувчи, тарбиячилар номидан ноҳия ва вилоят Советининг депутати, Ҳамза номли 1-мактаб директори М. ВАЛИЕВ, вилоят Советининг депутати, 48-ўрта мактаб директори А. ҚОРАТОЕВ, ноҳия халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Н. МУҲАММАДИЕРОВ, халқ таълими ходимлари Охунбобоев ноҳия касаба қўмитаси ранси И. СОБИРОВ, меҳнат фахрийси, 45-ўрта мактаб директори А. УСМОНОВ, 12-саккиз йиллик мактаб директори Э. МУЙДИНОВ, ноҳия халқ таълими бўлими йўриқчиси А. АБДУРАҲИМОВ имзоладилар.

ТАЛАБАЛАР УЧУН

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши талабаларга ижтимоий ёрдам жамғармасини таъсис этди. Унга 1 миллион сўм пул ажратилди. Ўзбекистон халқ демократик партияси, ёшлар уюшмаси ва республика Меҳнат вазирлиги жамғарманинг ҳаммуассислари бўлишга розилик билдиришди.

— Жамғармамизнинг вазифаси, — дейди касаба уюшмалари федерацияси Республика Кенгашининг ранси Б. А. Алламуродов, — талабаларга ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш борасидаги дастурларни тузиш ва рўёбга чиқариш, талабаларнинг ишбилармонлик ташаббусини кучайтириш, талабаларнинг муаммоларига жамоатчилик фикрини қаратишдан иборатдир. Жамғармамиз давлат ва жамоат ташкилотларини, талабалар ва ўқувчи ёшлар манфаатлари йўлида ишлаётган корхоналарни мулк шаклидан қатъи назар ихтиёрий равишда бирлаштиради.

(ЎзТАГ мухбири).

МУСТАҚИЛЛИКНИ МАДҲ ЭТИБ

Бухоро шаҳридаги 2-ўрта махсус мактаб-интернатда шу билим масканининг рус тили ва адабиёти фанлари ўқитувчиси Гулчеҳра Ҳакимованнинг ташаббуси билан «Мустақиллигинг муборак, Ўзбекистон!» мавзуида адабий-мусиқавий кеча ўтказилди. Кечада мактаб-интернатнинг юқори синф ўқувчиларидан бир гуруҳи фаол иштирок этиб, маҳорат кўрсатдилар. Севимли ўлкамизнинг кўп асрлик тарихини акс эттирувчи шеърлардан ўқиб, жозибадор қўшиқлар ижро этдилар.

Ўқувчилардан О. Тошева, М. Бўтаева, Г. Жўраева, И. Ҳасанова, Э. Норпўлатов, М. Ботировлар кечанинг сермазмун ва таъсирчан чиқишида алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

А. ҲАЙДАРОВ.

Таклиф ва мулоҳазалар

ЁШ АВЛОД ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАБ

Биз мактабни такомиллаштириш, замонавийлаштириш ва миллийлаштириш сари қадам босар эканмиз, фанларни ўқитиш жараёнини астойдил чиғириқдан ўтказиб, қайта ташкил этмоғимиз даркор. Ҳозир эса бу борада талай иккиланишлар мавжудлигини инкор эта олмаймиз.

Мен кўпинча риёзиёт дарсларига кириб, ўқитувчиларнинг жон куйдириб теоремалар, тенгламалар, бошқа мураккаб жараёнларни ўқувчиларга тушунтириб бераётганлигининг гувоҳи бўламан. Беихтиёр ўйлаб қоламан: буларнинг бари нима учун кераклигини ўқувчилар билишармикан? Ўқитувчининг ўзи-чи? Ахир 5-синфдан то 11-синфга қадар риёзиёт, алгебра, ҳандаса масалаларини ўқиб ўрганган болалар ернинг катталигини ўлчашни (сотиҳ, квадрат метр, километр ва ҳоказо), уй ёки молхона қурилишининг чизмасини тайёрлашни, борингки, ҳатто бригадада ҳисобчилик қилишни ҳам эпполмайди-ку? Аксига олиб, илгари бор-йўғи бошланғич синфни тугатган кишилар бемалол ҳисобчи, диспетчер, дурадгор, соатсоз уста, радиотехника ва автомобиль тузатувчилари бўлиб ишлашаяпти. Ахир биз педагоглар олдида турган мақсад болаларга билим бериш орқали уларнинг келажакда яхши мутахассис, ўз ишининг устаси бўлиб етишувини тарбиялашдан иборат эмасми, аслида? Демоқчиманки, риёзиёт, физика, чизмачилик, кимё, меҳнат дарсларини ана шу нуқтаи назардан қайта кўриб чиқмоқ, ортиқча мураккаб нарсаларни олиб ташламоқ ҳамда болалар осон тушунадиган, тез қабул қиладиган шаклга келтирмоқ зарур.

(Давоми 2-бетда).

Янгилаш даври, янгиланиш даври

МАКТАБ—КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Бугун жамиятимиз жуда кўпдан-кўп муаммоларни ўз бошидан кечирмоқда. Фан, маданият, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, экологик ва миллий муносабатлар таназзулга юз тутди. Шу билан бирга совет мактаби, ўқитиш ва маълумот беришнинг қўйидан токи олий бўғинларигача мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолди, десам хато бўлмайди, албатта. Ўқитувчиман. Бугун ўқувчилар дарслардан безганлигини кўриб-билиб турибман. 6—7 соатлаб парталарга михланиб ўтириб дарс тинглашлардан ўғил-қизлар ошкор бош тортмоқдалар. Исённинг бир кўриниши ўлароқ ўқувчилар дарслардан қочмоқдалар, мактабга келмаяптилар. Агар бизда шу мавжуд таълим-тарбия тизимидан воз кечилмас экан, қисқа вақт ичида ўқитувчиларнинг катта қисмини яроқсиз ҳолга келтириб қўямиз, тинкасини қуритиб, асабини эговлаймиз.

Ҳозир ўқитувчи дарс ўтишдан кўра ўқувчини ушлаб туришга кўпроқ куч сарфламоқда, болаларни тинчлантиришга асосий вақт кетмоқда. Ишончим комилки, ўрта мактабларда, айниқса, юқори синфларда фан номзодлари ёки профессорлар дарс беришса-да, аҳвол мутлақо ўзгармайди. Сабаби аниқ: бизнинг маорифда ўқувчининг кучи, қобилияти, интилиши ҳисобга олинмайди. Дастурлар, мавжуд китоблар ўқувчиларнинг фаоллиги ва пассивлигидан қатъи назар, ҳамма учун бир хил. Ўқувчи хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам дарсни тинглашга мажбур. Шуниси ажабланарлики, ҳатто юқори синф ўқувчиларининг кўплари оддий каррани ҳам билишмайди, оддий чўт билан бажариладиган машқларни умуман ўйлаб ҳам кўришмаган. Лекин уларнинг миясига синус-косинус, тангенс-котангенс тушунчалари қуйилаверади.

Математика ўқитувчилари мени маъзур тутсинлар-у, юқори синфларда давлат имтиҳонлари олдидан вариантлар ечилади. Имтиҳонга белгиланган вариантлар ёки аввал ечилган вариантлар тушади, уни ўқувчи кўчириб берадиқўяди. Масъулиятсизликни қарангки, шунда ҳам ўқувчилар кўп хатоларга йўл қўядилар. Математика ўқитувчисининг ҳам, адабиёт ўқитувчисининг ҳам қўлида икки хил ручка бўлиши шарт. Хатолар бироз таъмирланмаса, аҳвол чатоқ: баҳо кўрсаткичлари кескин пасайиб кетади.

Жуғрофия дарсларида ўз ўлкаси табиатидан бехабар болаларга Миссисипи, Амазонка дарёси бўйлари халқларининг иқтисодиёти ва табиий шароитлари ҳақида 30 йил аввал чиққан китобни тушунтиришга мажбурмиз. Тўғри ўргатилса майлику-я, уларнинг ютуғидан кўра камчиликларини гапириб келдик. Ҳамма космик назарияни, бутун олам тортилиш қонунларини ўрганишга мажбур қилинади. Ўз тарихимиздан мутлақо бехабар дунёнинг қаерида инқилоб бўлган бўлса, уни ўрганаверамиз, унинг йўл қўйган хато ва камчиликларини ўзимизча мутолаа қилаверамиз. Биздан ўрнак олмаганликлари учун эса ўша инқилобчиларни айблаймиз ҳам. Ўз тарихи, миллий қаҳрамонлари, серқирра ўтмиши, маданияти туриб, ўзгаларникини оғизни тўлдириб мақтайверамиз. Шу ҳол, менимча, ўқувчини бездирди.

Кўпчилик бугун мактабларнинг ўқув базалари етарли эмас, ўқув жиҳозлари, хариталар, кўргазмали қуроллар етишмайди, ЭҲМлар билан ўқувчилар тўла ишламаяпти, мактаб бинолари яроқсиз бўлгани учун аҳвол ёмон деб ҳисоблайди. Хўш, шу муаммолар бартараф этилса, аҳвол ўзгарардими? Менимча, йўқ. Агар биз мавжуд дарсликлар, дастурларимиз, ҳисобсиз ажратилаётган дарс соатлари, шу ўқитувчиларимизнинг билим ва савиялари билан АҚШ ёки Японияннинг замонавий мактабларида дарс берсак-да, ҳеч нарсага эриша олмаймиз! Бу исбот талаб қилмаса ҳам, ўзи кўриниб турибди.

Бизнингча, аввало, мактаб амалда миллийлаштирилиши ва шу чоққача амал қилиб келинган сунъий йўлдан мутлақо воз кечиши керак. Илгариги марказ яратган дастурлар эндиликда Ўзбекистон (Туркистон) учун тўғри келмайди. Дастур маҳаллий ва миллий шароитдан келиб чиқмоғи керак. Зотан, миллий таълим ва тарбиягина миллатимиз равнақини амалда таъминлаб бериши мумкин. Мактабларимизда ўтмиш ўқитиш жараёнлари билан жаҳондаги ривожланган давлатлар ва Шарқ мамлакатлари ўқитиш жараёнлари уйғунлаштириб олиб борилиши даркор. Жаҳон техник тараққиёти қонунлари мактабларимизга кириши лозим. Менимча, АҚШда ўқитиш жараёнлари Японияндан, Японияники эса Хитойникидан кескин фарқ қилади. Техника ютуқларидан умумий фойдаланадилар, лекин ўқитиш жараёнлари ҳар бир миллатга хос алоҳида йўналишга эга. Бизнинг мактабларимизда ҳам шундай йўл тутилиши керак.

(Давоми 3-бетда).

Бугунги кун талабини тўғри тушуниб етган Тошкент вилояти Калинин ноҳиясидаги 33-мактаб педагогик жамоаси давр билан ҳамнафас меҳнат қилмоқда. Илмгоҳда чет тили фанини ўқитиш борасида бир қатор ютуқлар мавжуд. Биринчи тоифали инглиз тили ўқитувчиси, методист Назира Толипова тилни мукаммал эгаллашда ўқувчиларга устозлик қилмоқда.

Суратда: Н. Толипова.

А. ЧАПЛИГИНА тасвири.

Етилган муаммолар ҳақида мактублар

ЖАЛАДА ҚОЛАЁТГАН ДАРСЛАР

Ўзбек халқининг бугунги авлоди фарахбахш даврни бошидан кечирмоқда. Чунки бугун унинг мустақил жумҳурияти ва миллий давлат тили бор. Ўзбекистон мустақил давлат гербига эга. Мактабларда эски ўзбек ёзуви, одобнома дарслари ўргатилмоқда. Булар халққа тутқич бермай келаётган катта тарихий даврни ўз ичига олган ягона орзу эди. Боболардан мерос қолган бу сирли сабоқлар туртилиб-туртилиб, хатарнок йўл юриб тинка-мадоримиз тугар чоғида дил уйимизни нурафшон айлади. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганда оғзи қулоғига етиб, дўпписини осмонга ирғитган ўзбеклар бўлди. Ўзбекистоннинг мустақил жумҳуриятлиги эълон қилинганда, дол қаддимиз алиф шаклига кирди. Мактабларда эски ўзбек ёзуви ҳамда одобнома дарслари ўқитила бошлаганда эса, муаллимдан мударрисгача нечоғлик хурсанд бўлиб, терисига сиғмай қолганини сўз билан ифодалаш қийин. Чунки биз аламдийда, ўтмиши билан фахрланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган халқ эдик. Аждодларнинг маданий, адабий ва илмий меросларидан узилиб қолган эдик. Имон ва эътиқодларимиз унутилган ёки тақиқланган эди. Душманларимиз боболарнинг бебаҳо бойликларидан узоқлаштириш мақсадида қадрдон ёзувимизни икки бор (1930—1940 йиллар) ўзгартирдилар.

Бугун қайта қуриш шабадаси Ўзбекистон, фақат Ўзбекистон бўйлаб эсаётганга ўхшайди. «Яна қайтиб қўлга олдим созимни» деб шоир куйлаганидек, бобокалонлар қўшиғи ўлка бўйлаб ҳур янграмоқда.

Лекин шу қадар қувончбахш дақиқаларни бошидан кечираётган Ўзбекистон мактабларида эски ўзбек тили дарси учун ҳафтасига атиги бир соат вақт ажратилганлиги кишини ташвишлантиради. Ахир бир соатлик дарс билан ўқувчига ҳеч нарсани ўргатиб бўлмайди-ку. Бунинг устига жойларда мазкур дарс қандай аҳволда ташкил қилинмоқда, талабаларнинг бу дарсга муносабати ва ўзлаштириши қай даражада эканлигини кузатувчи масъуллар, умуман йўқ. Бор бўлса ҳам сезилмайди. Чамаси, баъзи раҳбарларимиз учун қадимий меросларнинг ҳаётга қайтиб келиши ёқмаяпти, шекилли. Бебаҳо бойликларимизнинг ёғдуси кўзларини қамаштириб қўяётганга ўхшайди. Тўғри, қилтомоқ дардига гирифтор бўлган одам учун энг тотли таом ҳам ботавермайди. Ҳазм этолмай рад қилиб ташлайди. Турғунлик йиллари нинг сарқитлари билан заҳарланган баъзи раҳбарларга муборак янгиликлар унча маъқул келмаётгандек кўринади. Масъул раҳбарларимиз тарихимизга теранроқ (мен уларни ўз тарихини билмасликда айбламайман) назар ташласалар, бу кунги ноёб янгиликларимизга бу қадар панжа орасидан қарамасдилар, бунчалар совуқ муносабатда бўлмасдилар.

Ахир ўзбек миллатини йўқ қилиб юбориш мақсадида босқинчилар тилимизни, динимизни, урф-одатларимизни, адабий, илмий меросларимизни, имони мукаммалимизни тақиқлаб, не-не кулфатларни бошимизга солмади. Маънавий дурдоналаримиздан маҳрум этиб, бир дарвиш ҳолатига тушириб қўйди. Қанча-қанча китобларимиз ёндирилди, дарёларга оқизилди, қабристонларга, ғорларга кўмилди. Қатағон йилларнинг қурбони бўлган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Боту, Элбек, Мулла Мунаввар Қорилар дилдаги сўзлари билан кетдилар. Буларнинг барчаси ўзбек халқининг фожиаси, мотами эмасми?..

Ўтмиш мактабларида ахлоқ-одоб мавзуси етакчи дарс бўлганини ким инкор эта олади? Мазкур мавзудаги дарслар Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно, Нодира, Фурқат каби ибратли кишиларни ҳаётга тақдим этмаганмиди...

Одобнома дарслари неча йил, неча замонлар мактаб ичкарисига киришга ботинолмай етим боладек бўсағада турмадими? Бунинг оқибатида беодоб, мафкуравий бузуқ, қимматсиз ва шафқатсиз, фоҳиша ва бевафо, ҳурматсиз ва бефаросат, текинхўр ва очопат, ўғри ва каззоб, порахўр ва фирибгар, лаганбардор ва мўлтони, ишёқмасу юртбузиқи, ичкиликбоз, гиёҳванд сингари бир гуруҳ нобакорлар пайдо бўлмадими?..

Бугун Тангрига санолар бўлсинким, мактабларда одобнома дарслари ўқитилмоқда. Одоб халқимизнинг азалий ифтихори бўлиб келган. Лекин шу дарс ҳам назоратсиз қолиб кетмоқда.

Майли, сабр қилайлик. «Сабрнинг таги олтин», дейди халқимиз. Бирор олиҳиммат, маърифатпарвар раҳбар жалада қолиб келаётган соҳаларга назар ташлаб қолса, ажаб эмас.

Турсунбой ИСРОИЛ ўғли.

ЁШ АВЛОД ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАБ

(Боши 1-бетда).

Рус тилини ўқитиш борасида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. 11 йил зўр бериб рус тили ўқитилади, аммо армияга бориб гап билмай мулзам бўламиз, ҳарбий билим юртига фақат рус тилини ёмон билганимиз учун киролмаймиз. Шукрлар бўлсинким, мана, ўзбек тили жумҳуриятимизда давлат тили мақомини олди. Энди биз шунчалар рус тилини ўрганишга сарфлаган меҳнатимизни ҳам она тилимизни пухта эгаллашга сафарбар қилайлик. Бу билан рус тилидан воз кечайлик демоқчи эмасман. Балки, айтмоқчиманки, мактабда уни ҳозиргидай чуқурлаштиришга зарурат йўқ. Хоҳлаган одам олийгоҳда билимини бойитиб олади. Биз асосий эътиборни мактабни битирган ўқувчи рус тилида бемалол сўзлаша оладиган даражага етишишига қаратишимиз лозим. Рус тилининг, ҳатто баъзи педагогларнинг ўзлари ҳам яхши билмайдиган қонун-қоидаларни ўргатаман деб, болаларни чалғитишга ҳожат йўқ, менимча.

Фанларни ўқитиш борасида хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, мактаб бу барча фанлардан бошланғич маълумот берадиган даргоҳ бўлмоғи керак. Уларни йил сайин мураккаблаштириш натижасида аксарият ўқувчилар лозим даражадаги бошланғич билимни ҳам ўзлаштиролмай қолишаётир. Алҳол, фанларни ўқитишни соддалаштиришдан чўчимаслик керак. Чунки ҳамма ўқувчи ҳам бир хил фикрлай олмайди, уларнинг қобилияти ҳам бир хил бўлиши мумкин эмас. Қайсики, болада лаёқат ва фанга, илмга қизиқиш бўлса, у ўз билимини тўгаракларда, консультацияларда, қўшимча дарсларда, машғулотлар, уй машқлари ва кейинчалик олий ўқув юртида чуқурлаштириши, бойитиши мумкин.

Энди мактабнинг молиявий мустақиллиги ҳақида икки оғиз сўз. Мактабнинг барча харажату ҳисоб-китобларини юритиш мақоми илм масканининг ўз ихтиёрига берилмас экан, молиявий мустақиллик ҳақида бирор нарса деб бўлмайди. Чунки, қаерга, қанча миқдорда пул сарфлаш лозимлигини мактаб маъмуриятининг ўзи жуда яхши билади. Бу борада баҳсга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Айни кунда ўзлари арзимаган матога зор бўлиб турган маиший хизмат уйлари билан тикиш ва тўқиш ишлари юзасидан қандай қилиб шартнома тузиш мумкин? Тўғри, айрим жойларда бунинг имкони бордир, бироқ аксарият ноҳиялардаги мактабларнинг бу борада қўли калталик қилади.

Мактаб мол-мулкини ижарага бериш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Агарда шундай қиладиган бўлсак, шундоқ ҳам эскириб, тўкилай деб турган жиҳоз ва ускуналардан айрилиб қолиш мумкин.

Таълимнинг босқичлари хусусида ҳам бироз мулоҳаза юритиш ўринли бўлади, деб ўйлайман. Агар биз бу масалани бирон бир ноҳия тимсолида оладиган бўлсак, менимча, III босқич, яъни ўрта умумий таълимни бир-икки жойда махсус ташкил қилиш керак. Бошқа мактаблар эса I ва II босқичда қолаверса бўлади. Жумладан, 10—11-синфларда ўқишни давом эттиришга истагини билдирган ўқувчилар мактаблар педагогика кенгашларининг қатъий хулосаси билан суҳбат асосида қабул қилиниши керак. Бу мактаблар интернат тариқасида бўлса, янада яхшироқ. Ўқитувчилар эса алоҳида тайёргарликдан ўтган, билимли, тажрибали бўлишлари зарур. Табиийки, уларнинг маошлари ҳам кўп бўлиши лозим.

Қолган барча мактабларнинг 9-синфлари битирувчи бўлиб, улар ишлаб чиқаришга, ҳунар-техника билим юртига юборилмоғи даркор.

Ўқув йилининг давомийлиги, таътилларни тартибга келтириш каби муаммоларни биринчи галда ҳал этмоқ зарур. Менимча, қишки таътилни 1 январдан 10 февралгача қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки айни шу давр қишнинг энг совуқ даври (қишнинг қирқ кунлик чилласи)га тўғри келади. Бу пайтда қишлоқнинг лой кўчаларидан узоққа қатнайдиган кичик ёшдаги ўқувчиларга, айниқса, қийин бўлади. Боз устига, мактабларни иситиш масаласи ҳам худди шу даврда кўндаланг бўлади.

Мабодо қирқ кунлик қишки таътил жорий қилсак, ана шу кунларни тўлдириш учун ўқишни 25 июнгача давом эттириш мумкин бўлур эди. Менимча, 3 ой эмас, икки ой дам олган бола ҳеч қандай зарар кўрмайди. Бундай қилишдан мақсад ўқувчилар қишнинг энг совуқ дамларида уйларида бўлишни таъминлашдир.

Шу қаторда кунлик дарслар 4—5 соатдан ошмаслиги зарур, ортиғи болаларни толиқтириб қўяди.

Сўзимни мухтасар қилиб, шуни таъкидламоқчиманки, халқ таълими соҳасидаги ҳар иккала ҳужжатни ниҳоятда пухта ва самарали ҳолга келтириб қабул қилиш керак. Зеро, мактабнинг тақдири кўп ҳолларда ана шу ҳужжатларга боғлиқ бўлади. Мактаб тақдирига бўлган эътибор эса эртанги кунимизга, рўшнолигимизга, маънавий камолотимизга бўлган эътибордир.

Х. ТАНГРИЕВ,
Сурхондарё вилояти Ангор ноҳиясидаги Абдулла Қодирий номли 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ДИЛИМИЗДАГИ ГАПЛАР

Ўқитувчилик фаолиятим 30 йилдан ошди. 1986 йилдан бери ноҳия ва вилоят бўйича она тили ва адабиёт фанидан ўқувчилар олимпиадаси ҳакамлар ҳайъатининг аъзосиман. Педагогик ўқишлар ва конференцияларда мунтазам иштирок этаман. Самарқанд вилояти малака ошириш билимгоҳида ўз тажрибаларим юзасидан лекциялар ўқиб бораман. Мана шу ва бошқа меҳнатларимни ҳисобга олиб, мактаб ва ноҳия халқ таълими бўлими аттестация комиссиялари якдиллик билан менга «Олий тоифадаги мутахассис» малака даражасини беришга қарор қилдилар. Вилоят халқ таълими бўлими аттестация комиссияси бунга қандай муносабатда бўлди? Аттестация комиссиясининг йиғилишида комиссия раиси ҳужжатларимни бир бошдан кўздан кечириб, комиссия аъзоларига эшиттира бошлади:

— «Халқ маорифи аълочиси» нишони бор, методист-ўқитувчи, облОНОнинг «Фахрий ёрлиғи» бор... Рўзномаларнинг ёрлиғи бор. Ижодий ишлар билан ҳам шуғулланасизми?

Мен ижодий ишларим ҳақида гапириб бердим.

— Яхши, демак новатор ўқитувчи, — деди комиссия раиси. — Орденларингиз борми?

— Йўқ, — деб жавоб бердим.

— Республика миқёсида унвонлари ҳам йўқ, — деб давом эттирди сўзини комиссия раиси. — Бу киши иккинчи тоифага (?) лойиқ. Нима дейсизлар?.. Ё биринчи тоифа берамизми? Мен бу кишига «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони бериш ҳақидаги қарорга қўл қўйишга ҳозироқ тайёрман.

Аттестация комиссияси аъзоларидан кимдир:

— Бу кишида бу нишон бор, — деб мендан олдинроқ луқма ташлади.

— А-а? Шундайми? — деб қўйди раис. — Майли биринчи тоифа берамиз.

Мен ҳайрон қолдим: наҳотки вилоят маърифатчиларининг катта мартабали раҳбари «Маърифат» рўзномасида эълон қилинган аттестация шартлари ва талаблари ҳақидаги материалларни ўқимаган бўлса?! Менга «олий тоифадаги мутахассис» малака даражасини бермаганликлари учун ҳафа эмасман, балки ўқитувчи меҳнатининг қадрига етмайдиган раҳбарлардан норозиман.

Тоҳир ҲАҚБЕРДИЕВ,
Пастдарғом ноҳиясидаги 53-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Самарқанд вилояти Самарқанд ноҳиясидаги 6-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Элмира Раҳматованинг ҳаётидаги илк ўқув йилининг биринчи ярим йиллиги ҳам ортда қолди. Унинг қалдирғоч ўқувчилари эса ҳозирданоқ равон ўқимоқдалар, турли масалаларни мустақил ечаяптилар. Бунинг ортида, албатта, Элмирахоннинг ғайрат ва иштиёқи турибди. У ҳар бир дарсга мукаммал тайёрланар экан педагогика фанининг энг янги ютуқларини қўллайди, таълимнинг ижодий методларидан моҳирона фойдаланади.

Суратда: Э. Раҳматова ўқувчилари Хуршид Нодиров ва Дилафруз Назаровалар билан.

Суратқаш Р. ҲУСНИТДИНОВ.

Долзарб мавзу

КЕЧКИ ЎҚУВНИНГ ЯНГИ МУАММОЛАРИ

Ёшларга ўрта маълумот беришни бирор касб, ҳунарга ўргатиш билан бирга қўшиб олиб бориш, ўрта таълим беришнинг турли шаклларини жорий этиш асосида ёшларнинг узлуксиз таълимини амалга ошириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу борада халқ таълими ва педагогика фани ходимлари бир қатор тадбирларни белгилаб, амалга ошириб келмоқдалар. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаётган, кечки синф ва сиртқи гуруҳларга қатнаб ўқиш имконияти бўлмаган ёшлар учун ўрта маълумот олишнинг экстернат шаклининг жорий этилиши, сиртқи гуруҳ очиш учун етарли миқдорда ўқувчи бўлмаган жойларда якка тартибда ўқитиш гуруҳлари очишга рухсат берилганлиги, маълумот олишга қизиқкан ёшлар учун уч йил ўрнига икки йиллик тезлаштирилган синфлар очилганлиги, айрим фанларни ўрганишга қобилияти борлар учун табақалашган синфларга мўлжалланган ўқув режаларининг ишлаб чиқилганлиги ана шулар жумласидандир.

Шу билан бирга кечки (навбатли) ўрта умумтаълим мактаблари, узлуксиз таълим марказларининг намунали низомлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ҳозирги пайтда юқоридаги низомлар асосида вилоятимизнинг Советобод, Марҳамат, Шаҳрихон шаҳарлари, Қўрғонтепа, Пахтаобод ноҳияларида турли касбларга ўргатувчи «Узлуксиз таълим марказлари» фаолият кўрсатаётир. Бу борада Марҳамат шаҳридаги 1-кечки мактаб базасида вужудга келган «Узлуксиз таълим маркази»нинг иши диққатга сазовордир.

Марказга Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси Қамбар Мингариев раҳбарлик қилаётир. У «Узлуксиз таълим маркази»ни ташкил этиш учун кучи, вақтини аямади, қобилияти ва тажрибасини ишга солди. Тошкент ва Фарғона шаҳарларида фаолият кўрсатиб келаётган марказларнинг тажрибаларини бориб ўрганди, раҳбарлари билан суҳбатлашди, тегишли ҳужжатларидан нусхалар олди.

Ниҳоят вилоят халқ таълими бошқармасининг «Узлуксиз таълим маркази мактаби»ни очиш ҳақида буйруғи ва Марҳамат шаҳар Советининг қарори билан билим маскани фаолият бошлади.

Аввало, ноҳия газетасига таълим марказининг касб ва ҳунарга ўргатувчи гуруҳларига тингловчилар қабул қилиш ҳақида эълон берилди. Ҳужжат топширган ёшлардан танлов асосида гуруҳларга ўқувчилар қабул қилинди.

Шу кунларда мактабда иккита кичик медицина ходимлари, битта тарбиячилар ва битта болалар боғчалари учун ошпазлар тайёрлаш гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Кичик медицина ходимлари тайёрлаш гуруҳининг биттаси ўн бир йиллик маълумот базасида очилган бўлиб, тингловчилар ойига 15 сўмдан бадал тўлайдилар. Бадалларни қабул қилиб олиш учун давлат банки район бўлимида мактабнинг махсус жорий ҳисоби ҳам очилган.

Халқ депутатлари шаҳар Советининг қарори билан таълим маркази ўқувчиларига назарий материалларни ўргатиш учун мутасадди ташкилотлардан тажрибали мутахассислар, амалий машғулотларни олиб бориш учун тегишли муасассалар биркитилди. Кейинроқ бу мактабнинг иш тажрибаси ўрганилиб, умумлаштирилди. «Узлуксиз таълим маркази мактаби»ни очишга доир ҳамма ҳужжатлардан намуналар берилган ҳолда китобча тарзида кўпайтирилиб, бошқа кечки мактабларга ҳам тарқатилди. Мактаб тажрибаси қисқа муддатли семинар йўли билан ҳам оммалаштирилди.

Вилоятимизда методик, ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш борасида ҳам ибратли, ўрнак олса арзийдиган қатор мактаблар бор. Жумладан, бу борада Пахтаобод ноҳиясидаги 2-кечки мактабда олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқдир. Мактабга тажрибали, ўз касбини, болаларни севадиган педагоглар жамланган. Ҳар бир белгиланадиган тадбир пухта қилиб тузилади, бажарилиши, албатта, таъминланади.

(Давоми 3-бетда).

ТАЛАБА БЎЛА ОЛАДИЛАР

Андижон педагогика илмгоҳи маҳаллий 18-мактаб негизида очган махсус синф ўқувчилари кириш имтиҳонларисиз мазкур олий ўқув юртининг талабаси бўла оладилар. Юқори синфларнинг 25 нафар ўқувчиси бу ерда умумтаълим фанлари билан бир қаторда бошланғич таълим методикасини ўрганадилар. Улар учун ўқув дастурини илмгоҳ муаллимлари ишлаб чиққанлар, бу муаллимлар мактаб ўқитувчилари билан бирга бўлғуси педагог методистлар учун амалий машғулотлар ўтказадилар.

(ЎзТАГ).

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Айни вақтда тарихий ўтмишни чуқурроқ таҳлил қилган олимлар тарихнинг доимий алмашиниши назариясини танқид қилдилар. Кўпгина мутафаккирлар жаҳон тарихининг боришига сингиб кетган қандайдир умумий йўлни пайқагандек бўлдилар. Ижтимоий тараққиёт ғоясига қўшилганларнинг кўпчилиги моддий маданиятдаги, аввало техника ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзгаришларни бунга асос қилиб олдилар, шунга мувофиқ равишда инсоният тарихий йўлининг асосий босқичларини белгилаб бердилар. Америкалик ижтимоиётчи Ростоунинг (1916 йилда туғилган) «Иқтисодий ўсиш босқичлари» назарияси шу жиҳатдан анча мукаммалдир. Қуйидаги беш босқич бир-биридан ажратилади:

— Анъанавий жамият. Тадқиқотчи бирмунча ибтидоий техникага эга бўлган иқтисодиёт соҳасида қишлоқ хўжалиги устунлик қилган, табақачиликсинфий тузилиш ҳамда йирик ер эгаларининг ҳокимияти ҳукмрон бўлган аграр (деҳқончилик) жамиятини аграр жамият қаторига қўшади.

(Боши ўтган сонларда).

— Ўтиш даври жамияти. Тараққиётнинг бу босқичида ижтимоий турмушда анчагина жўшқин ўзгаришлар рўй беради: деҳқончилик ривожланади, фаолиятнинг янги тури — ишбилармонлик ва шунга мувофиқ равишда тадбиркор кишиларнинг янги тоифаси пайдо бўлади, марказлашган давлатлар таркиб топади, миллий ўзлигини англаш ошади. Мана шуларнинг ҳаммаси жамиятнинг янги тараққиёт босқичига ўтиши учун шарт-шароит тайёрлайди.

— «Силжиш» босқичи. Саноат соҳасидаги инқилоблар ва шундан кейин рўй берадиган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар бу босқичнинг мазмунини ташкил этади.

— «Етуклик» босқичи. Бу даврни муаллиф фан-техника инқилобининг ривожланиши билан, шаҳарларнинг аҳамияти ошиб, шаҳар аҳолиси кўпайиши билан боғлайди,

— «Юксак оммавий истеъмол» даври. Хизмат соҳаси анча ўсиши, истеъмол молларини ишлаб чиқариш кўпайиб, улар иқтисодиётнинг асосий соҳасига айланиши мазкур босқичнинг энг муҳим белгисидир.

Кейинги ўн йилликларда америкалик файласуф ва публицист О. Тоффлернинг (1928 йилда туғилган) ғоялари бирмунча таъсир ўтказди. У инсоният маърифатининг (цивилизациясининг) ривожланишини уч босқичга бўлади:

Биринчиси — деҳқончилик босқичи, иккинчиси — саноат босқичи, учинчи босқичга ҳали муаллиф ном қўйгани йўқ, уни муаллиф компьютер даври бошланиши ва ахборот жамиятига ўтиш билан боғлиқ деб ҳисобламоқда.

Ижтимоий тараққиёт хусусидаги башоратни курснинг навбатдаги бўлимларида батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Саволлар ва топшириқлар

1. XX асрдаги номарксистик жамиятшунослик ривожланишининг қисқача баёнида қайси асосий муаммолар кўриб чиқилди?

Бу муаммоларни ҳал этишга турлича ёндашувларни кўрсатиб беринг.

2. Сизнинг фикрингиз қандай: ижтимоий ривожланишнинг ягона назарияси йўқлиги, турли-туман мактаблар, оқимлар, таълимотлар мавжудлиги номарксистик жамиятшуносликнинг кучли жиҳатими ёки, аксинча, бу нарса унинг заифлигими?

3. Ижтимоий роль — «инсоннинг жамиятдаги муайян мавқеига қараб кутиладиган феъл-атвор»дир деган қоиданинг маъносини тушунтириб, аниқроқ таърифлаб беринг.

4. Синфий кураш — шахсларнинг олий роллар билан мақомлар сон жиҳатдан чекланган шароитда яхшироқ ижтимоий мақом учун курашидир деган таърифга қўшиласизми?

7. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЖАМИЯТШУНОСЛИГИНИНГ МУАММОЛАРИ

Номлари тарихда қолган ва бизгача етиб келган Ўтмиш мутафаккирлари ижтимоий ўзгаришларнинг сабабларини, йўналишини, энг яхши ижтимоий ва давлат тузуми ҳақидаги тасаввурларнинг мазмунини, шундай ҳолатларга эришиш йўллари ҳақидаги хулосаларни изоҳлаб берган яхлит таълимот яратишга интилганлар. Марксизм илғор ижтимоий тафаккурнинг ривожланишида муҳим палла бўлиб, инсоният жаҳоншумул тарихий ривожланишининг янги фалсафасини яратиб берди.

Марксизмнинг асосчилари вафотидан кейин марксизм жамиятшунослигининг тақдири мураккаб бўлди. Турли оқимлар бу таълимотни бирдан-бир тўғри ва замонавий талқин этиш ҳуқуқини даъво қилдилар. 1917 йил Октябрь инқилобининг ғалабасидан сўнг марксизм-ленинизм жамиятимизнинг ҳукмрон, сўнгра эса бирдан-бир мафкураси бўлиб қолди. Марксизм «Мамалакатимизда 30—70-йилларда амалга оширилган сиёсий йўлнинг мафкуравий мададкори» воситасига айлантирилиб, у ўзгармас догмалар (юнонча «догма» —кўр-кўрона ишониладиган ўзгармас қоида демакдир) мажмуига айлантирилиб қўйилиши унинг илмий назария сифатидаги имкониятлари торайишига олиб келди. Шу билан бирга эса марксизм-ленинизм ғояларига таянувчи бутун жамиятшунослик учун қийин даврлар бошланди. У мафкуранинг итоатгўй хизматчисига айлантирилган эди.

Ҳозир ижтимоий фанлар янги шароитда ривожланмоқда. Аввало, мафкуравий чеклашлар олиб ташланди, олимлар ўз нуқтаи назарларини ошкора айтиш, илгари мутлақ ва шак келтирилмайдиган ҳақиқатлар тарзида мавжуд бўлган бир қанча қоидаларни танқидий қайта кўриб чиқиш имкониятини олдилар.

Бундан ташқари, илгари кутубхоналар ва ҳужжатхоналарнинг ёпиқ омборларида сақланган янги манбалар, жумладан, партиянинг таниқли раҳбарларидан Н. Бухарин, Л. Троцкий, Г. Зиновьев ва бошқаларнинг асарлари, ўтмишдаги атоқли жамоат ва партия арбоблари, ҳарбий бошлиқлардан А. Керенский, А. Деникин, П Милюковларнинг эсдаликлари олимлар қўлига тегди ва ўқила бошлади. Совет ҳокимияти дастлабки йилларидаги иқтисодчи олимлардан А. Чаянов, Н. Кондратьевларнинг фикрлари ва ғоялари идрок этила бошлади. Рус файласуфларидан В. Соловьев, Н. Бердяев, С. Булгаковларнинг илмий мероси билан тузукроқ танишиш имконияти вужудга келди.

Олимлар ўз тадқиқотлари доирасини кенгайтириб, унга замонавий ўткир муаммоларни кирита бошладилар. Ҳозир фуқароларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат тўғрисидаги қоидаларни илмий талқин этиш, мамлакатимизда бозор муносабатларини ривожлантириш имкониятларини, хусусий мулкчиликка йўл қўйилиши ва унинг чегараларини тадқиқ қилиш, жамиятимизни демократиялаш шароитида дин билан давлатнинг муносабатларини таҳлил этиш, илмий материалистик ва диний дунёқарашнинг нисбатини ва бошқа бир қанча муаммоларни тадқиқ қилиш жамиятшуносларнинг диққат марказида турибди. Уларни муҳокама қилиш кўпинча мунозара тарзида ўтмоқда, унда турли нуқтаи назарлар бевосита қиёс қилиб кўрилмоқда.

(Давоми бор).

МАКТАБ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

(Боши 1-бетда).

Дарс соатлари ҳам мутлақо қисқартирилиши, 5 кунлик ўқитиш жараёнига ўтилиши лозим. Кунлик дарс соатлари қуйи синфларда 3—4 соатдан, юқори синфларда эса 4—5 соатдан ошмаслиги зарур. Тарих ўқитувчиси бўлганлигим учун ўз фанимдан мисол келтираман. «Қадимги дунё тарихи» билан «Ўрта асрлар тарихи» қўшилиб бир ўқув йилида ҳафтасига 2 соатдан ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда икки ўқув йилида 68 соатдан ўтиладиган дарс бир ўқув йилида ўтилади. 68 соат тежалади. «Янги ва энг янги тарихлар» (Европа ва жаҳон тарихини капитализм ва империализм даври, 1640 дан то ҳозиргача бўлган даврни ўргатади) қўшилиб, ягона китоб қилиниши лозим. Шунда мамлакатлар тараққиётини ўтишда узилиш бўлмайди. Бир неча тартибли ўтиладиган дарс давомида, мисол учун, АҚШнинг капитализмга киришидан бошлаб токи ҳозиргача бўлган тараққиётини узилишларсиз ўтиш мумкин. Ҳозир эса XVIII асрдаги АҚШ 9-синфда, XIX ва XX аср бошларидаги АҚШ — 10-синфда, кейинги 60—70 йиллик АҚШнинг тараққиёти 11-синфда ўргатиб келинмоқда. Ўқувчи 10-синфда 9-ни, 11-синфда эса 10-синфни эсидан чиқариб бўлади.

Янги ва Энг янги тарихлар 4 та китоб, 155 та параграфни ташкил қилади. Булар кескин қисқартирилиб, битта китоб ҳолига келтирилиб, бир ўқув йилида ўтиладиган даражага келмоғимиз лозим.

Тарих учун ажратилган дарс соатларининг тенг ярми Ўзбекистон (Туркистон) тарихига ажратилиши керак. Миллий ўзликни англатишда тарих фанининг хизмати беқиёс. Ўзбекистон тарихида Туркистондаги ўтмиш маданияти, амирлик, хонлик ва бекликларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётлари тўлақонли ёритилиши даркор. Жангномалар, халқ ҳаракатлари, айниқса XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги Туркистон Шўро ҳокимияти қай йўсинда ўрнатилганлиги хусусидаги тарихий ҳақиқат тўла ва тўғри ёритилиб берилиши зарур.

Бошқа фанлар ҳам, шу жумладан математика, рус тили ва адабиёти, физика учун ажратилган дарс соатлари қисқартирилиши лозим. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кўп соат ажратиб ўқувчини билимли қилиб бўлмас экан. Ўқувчига керак нарсани берайлик, ана шунда натижага эришамиз.

Она тили ва адабиёти дарсларига ҳам баъзи эътирозларим бор. Ўқувчилар Ғофир, Жамила, Йўлчи ва Гулнор, Саида каби образларни талқин этиб, иншолар ёзиб зерикди. Менинг фикримча, адабиёт дарслари эркин бўлмоғи лозим. Назаримда, жумҳуриятнинг турли вилоятларида турли хил дастур билан дарс ўтиш фойдалидир. Ўқитувчи қайси адибнинг қайси асарини ўтишни маълум соатларда ўзи белгилагани маъқул.

Умуман, ўқувчининг дунёқарашини шакллантириш биринчи галдаги вазифадир. Шунга эришайликки, ўқувчи ўз фикр-мулоҳазаларини турғунлик йиллари иллатларига, бугунги чигал ҳаётимизнинг чигал воқеалигига, аёлларнинг ўзини ёқиши, Оролнинг бугунги аҳволининг сабаблари ва сабабчиларига қаратсин. Ана шунда мустақил ўқиш, мустақил фикр юритиш вужудга келади. Бу эса тараққиёт омилидир.

Кейинги пайтда халқ таълимидаги янгиланиш сари интилишларга, хусусан мактабларнинг табақалаштирилишига мен ҳам тўла қўшиламан. Умуман, ҳар бир ўқувчида маълум нарсага қизиқиш бўлиши табиий. Бошланғич таълим 7-синфгача бўлиши, бу давр ичида ўқувчига барча зарурий ва ҳаётий билимлар берилмоғи лозим. Бошланғич мажбурий таълим дарслари тўла бошланғич синф ўқитувчиларининг дарси бўлиб қолиши мумкин эмас. Болаларнинг фикрини, дунёқарашини қўзғовчи фанлардан алоҳида қобилиятли ва мутахассис ўқитувчилар дарс ўтишлари керак.

Ихтиёрий таълимни уч тармоққа: а) аниқ фанлар; б) гуманитар фанлар; в) техникага қизиқувчилар бўлимларига бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Мактаб партасидаёқ бугунги ўқувчи бой маданий ва тарихий меросимизни ўрганиш учун ўтмишимизни тўғри кўрсатиб берувчи ўқув фильмлари, ўқувчибоп адабиётлар, ўтмиш меъморчилиги ва унинг умрибоқийлик сабаблари, қурилиш услублари, ўтмиш иқтисодиёти ҳақида архив ҳужжатлари асосида аниқ тушунчалар бериб борилиши лозим. Якка деҳқон (фермер) хўжалиги хусусий мулк ва умумий мулк ўртасидаги тафовутни бугунги қарашлар асосида тушунтирмоғимиз зарур.

Бугунги кунда келажагимиз бўлмиш «Миллий мактаб»га ошиқиш ортиб бормоқда. Назаримда, бу масалада асло шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки ҳали ўқитувчиларимизнинг ўзлари бу масаланинг туб моҳиятига етмаганлар. Айримлардан сўрасангиз, елка қисишдан нарига ўтмайдилар. Аввало, ўқитувчиларимизнинг ўзлари миллий руҳда тарбияланган бўлишлари керак.

Миллийлик қадриятларимизни, тарихимизни, маданиятимизни тиклашдан бошланади. Бунинг учун «Миллий мактаб» хусусида оммавий ахборот воситалари эринмай тарғибот ва ташвиқот қилишлари, аҳолининг ва, айниқса, зиёлиларнинг фикрларини ўрганишга алоҳида эътибор беришлари лозим, деб ҳисоблайман.

Олимжон ЮНУСОВ,
Наманган вилояти Уйчи ноҳиясидаги 10-ўрта мактабнинг тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси.

Тошкент давлат педагогика чет тиллар олий илмгоҳининг тажрибали мутахассислари вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти чет тиллар кафедрасига таклиф қилиниб, инглиз тили фани муаллимларига кўмаклашмоқда. Амалий машғулотлар ўтказиб, ўзаро тажриба алмашмоқдалар.

Суратда: бугунги машғулотни Зоя Мўминовна Измайлова олиб бормоқда.

Халқ таълими ва тиббиёт

Маълумки, мактабларда ўқувчилар соғлиғини сақлаш мактаб шифокори билан тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, шунингдек, синф раҳбари бошчилигида амалга оширилади. Хўш, мактаб шифокорининг асосий вазифаси нималардан иборат? Аввало ўқувчиларга ўз соғлиқларини сақлаш борасидаги асосий режим ва қоидаларни тушунтириш билан шартли ишонч, кўникма вужудга келтиришдан иборат. Шундагина болалар гигиена қоидаларини кундалик ҳаётларида ва меҳнатларида тўғри татбиқ қила оладилар. Шу билан бирга болаларнинг жисмоний тарбияси устидан назорат қилиб туриш зарур. Мактаб шифокори поликлиника шифокори билан ҳамкорликда иш олиб бориши, ўқув йили бошланмасдан олдин мактаб биноси ва синфхоналарнинг қанчалик тайёр эканлигини кўздан кечириб, сўнг ўқишга рухсат бериши керак. Ўқувчи илмгоҳга келган дастлабки кунда мактаб шифокори унинг соғлиғи ҳақидаги ҳужжатлар билан танишиб чиқиши лозим. Агар касал ўқувчиларни, хусусан, кўз, қулоқ оғриғи, бод, томоқ, тери ва ич оғриғи билан касалланган болаларни ҳисобга олиб, ўқиш давомида поликлиникадаги мутахассис шифокорга мурожаат қилишлари шарт. Ўқув йили давомида 1—4-синф ўқувчиларини ҳар ойда икки марта, 5—10-синф ўқувчиларини эса ҳар ойда бир марта мутахассис шифокорларнинг тиббий кўригидан ўтказиш даркор. Булардан ташқари, мактаб шифокори болаларни юқумли, бўғма, кўкйўтал, чечак, сил, қизамиқ каби касалликларга қарши эмлаш ишларини йилнинг бошида ва охирида ўтказиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, мактаб шифокори ҳамма ўқувчиларни кузата олмайди. Шунга кўра мактаб ўқувчиларидан санитария ҳимоячилари ҳамда санитария постлари тузилади. Булар, албатта, юқори синф ўқувчиларидан иборат бўлади. Мактаб шифокори санитария ҳимоячилари билан бирга озодаликка риоя қилиш, шунингдек, айрим касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида мунтазам равишда суҳбатлар ўтказиб туриши лозим.

Мактабда санпостлар гуруҳи синфхоналарни ҳамда залларнинг тозалигини доимо текшириб, бу ҳақда мактаб шифокорига маълумот бериб туришлари зарур. Бундан ташқари, улар ҳар ойда бир марта «Тозалик варақаси» деворий рўзнома чиқаришлари шарт. Унинг саҳифаларида баъзи касалликларнинг тарқалиши, хусусан, грипп, ўпка шамоллаши, ич кетиши, қорин оғриқ ва бошқалар тўғрисида ўз вақтида маслаҳатлар бериб борилади.

Мактаб шифокори санитария шифокори навбатчилари билан биргаликда мактаб ошхонасининг тозалигини, шунингдек, тайёрланадиган таомларнинг сифатини ҳар куни кузатиб боришлари керак. Баъзи мактабларда ҳанузгача шифокор йўқ. Бу ҳол ўқитувчиларни қийин аҳволга тушириб қўйиши мумкин.

Мактабларда ўқувчи ёшлар билан «Соғлиқ — туман бойлиги», «Тозалик — соғлиқнинг гарови», «Болалар соғлиғини сақлаш тўғрисида», «Талабаларнинг кундалик режими» каби мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўпгина мактабларда болалар қайнаган сув билан таъмин этилмайди. Тиббиёт ходимлари учун ажратилган хоналар талабга жавоб бермайди.

Ҳа, болаларнинг соғлиғини сақлашда, айниқса, шифокорларнинг роли ниҳоятда катта эканлигини тушунган ҳолда уларга яхши шароит яратиб бериш, ўқувчиларнинг соғлиғи тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш мактаб маъмуриятининг зиммасидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Б. РАСУЛОВ.
Қаршн шаҳридаги тиббиёт билим юрти.

КЕЧКИ ЎҚУВНИНГ ЯНГИ МУАММОЛАРИ

(Боши 2-бетда).

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, «Педагогик ўқишларда» бу мактаб ўқитувчиларининг кўпчилиги ўз тажрибалари асосида ёзилган маърузалари билан қатнашмоқдалар. 1990 йилда вилоят XXV «Педагогик ўқишлари»да бу мактабдан икки нафар ўқитувчи маърузаси билан иштирок этди. Позилжон Кийикбоевнинг «Адабиёт дарсларида конференция дарсларидан фойдаланиш» мавзусидаги маърузаси эса Жумҳурият педагогик ўқишларида тингланиб, фахрли иккинчи ўринни олди.

Мактаб педагогик жамоаси аъзолари ҳар бир дарсни атрофлича пухта тайёргарлик асосида кўргазмали ташкил этади. Бу эса ўқувчиларнинг қизиқишини орттириб, тўла қатнашишини таъминлаяпти. Синфлардаги даъвомат ҳар қандай шароитда ҳам 90 фоиздан кам бўлмаётир.

Ҳар йили 2-кечки мактабни тамомлаган ёшларнинг бир қисми айрим фанларни ўзлаштиришдаги муваффақиятлари учун мақтов ёрлиқлари ва медаллар билан тақдирланмоқдалар. Жумладан, 1990-91 ўқув йилида 6 ўқувчи мақтов ёрлиғи, 1 ўқувчи олтин медаль олди. Олтин медаль олган ўқувчи эса ҳозир Андижон давлат педагогика олий билимгоҳининг тил-адабиёт куллиётида таҳсил олмоқда.

Бироқ юқорида таъкидланган ижобий далиллар билан бир қаторда кечки мактаблар фаолиятига таллуқли муаммолар ҳам талайгина.

Маълумки, халқ таълими тўғрисида кейинги даврларда қабул қилинган ҳужжатларда таъкидланишича, тўққиз йиллик мажбурий таълим жорий этилиши муносабати билан 10, 11-синфларга ёшлар танланиб, табақалаштирилиб қабул қилинади. Кундузги мактабларнинг 9-синфини битирган ёшларнинг танлаб олинганларидан қолган қисми халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаш билан бирга кечки мактабларда ўқиб, ўз маълумотларини оширадилар ва бирор касб-ҳунар эгаллайдилар. Шу нуқтаназардан эндиликда кечки мактаблар ишловчи ёшларнинг ўрта маълумот оладиган асосий ўқув маскани бўлиб қолади. Бунинг учун аввало кечки мактаблар фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш, уларнинг йўқолган обрўйини тиклаш зарур.

Биринчи навбатда кечки мактаблар моддий-ўқув базасига эътиборни қаратиш керак. Зотан, кечки мактабларнинг кўпчилиги кундузги мактабларнинг биноларида жойлашган. Ҳозирги талаблар асосида қурилган биноларга эга бўлган кечки мактаблар эса жуда оздир. Мисол учун, бизнинг Андижон вилоятимизда талабга жавоб берадиган бинога эга бўлган бирорта ҳам кечки мактаб йўқ. Ҳолбуки, Андижон шаҳрида жойлашган учта мактабнинг ҳар бирида 700 нафардан ортиқ ўқувчи бўлиб, уларнинг 7-8 тадан тармоқлари бор. Бу ҳолат ўқишга қизиққан ёшларни ажратиб икки йиллик тезлаштирилган синфлар, айрим фанларни ўрганишга қобилиятли ёшлар учун табақалашган синфлар очиш имконини бермайди. Бу муаммони ижобий ҳал этиш зарур.

Шунингдек, «Узлуксиз таълим маркази мактаблари» ишини мақсадга мувофиқ тарзда олиб бориш учун улар касб-ҳунарларга доир дарсликлар, методик қўлланмалар, ўқув режалари ва дастурлари билан етарли миқдорда таъминланиши керак.

«Узлуксиз таълим марказлари мактаблари»да ёшларга ўргатиладиган касб-ҳунарлар бўйича тегишли вазирликлар билан Халқ таълими вазирлигининг қўшма, биргаликдаги қарорлари қабул қилиниб, вазифалар аниқ кўрсатилиши ва белгиланиши зарур, деб ўйлаймиз. Зотан, кечки мактаблар масаласи фақат халқ таълими ходимларининггина иши бўлмай, балки корхоналар, ташкилотлар, идоралар, муассасалар раҳбарларининг ҳамда бутун жамоатчиликнинг ҳам муҳим ишидир.

С. АЛИМОВ,
Андижон вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш олийгоҳи кечки мактаблар конасининг мудири.

Маориф тарихига бир назар

УЛАР НИЯТИ ХОЛИС ЭДИ

Инсоният тарихига назар ташласак, чинакам зиёлиларни эл-юртининг истиқболи, тақдири безовта қилиб келганлигининг гувоҳи бўламиз. Худди ўша ҳолатга мос шароит 20-йилларда ҳам мавжуд эканлиги матбуот саҳифаларида бот-бот такрорланиб турибди. Мен ҳам қўлимдаги далилларга таяниб, маориф тарихидаги унутилган бир саҳифани варақлаб кўриш ниятидаман.

Ҳозирда «Чиғатой гурунги», «Кўмак» каби илмий-адабий ва хайрия уюшмалари фаолияти етарли бўлмаса-да, кўпчиликка аён. Улар амалга оширган ишлардан жамоатчилик бохабар. Мақсадим — шу йилларда туғилиб, қисқагина умр кўрган «Нашри маориф» уюшмаси тўғрисида икки оғиз «янгилик» айтишдир.

«Нашри маориф» уюшмаси 1923 йил январида Тошкент маориф ходимлари томонидан ташкил этилди. Унинг тузилишига маориф соҳасидаги ҳукуматнинг тутган йўлидан халқнинг қониқмаслиги асосий сабаб бўлган. Уюшма ўзининг махсус уставига эга бўлиб, у тегишли жойларда рўйхатдан ўтказилган эди. «Нашри маориф» фақат Тошкентдагина фаолият кўрсатиб қолмасдан, балки Туркистоннинг ҳар бир шаҳрида ўз шуъбасини очишни режалаштирган.

Ш. Раҳим имзоси билан «Туркистон» газетасида чоп этилган «Нашри маориф» номли мақолада уюшманинг қисқача мақсади қуйидагича баён қилинади:

«1. Ўзбек халқининг адабий тилини, бу тилнинг атамалари, имло ва бошқа тўғриларига оид масалаларни ишлаб чиқмоқ;

2. Миллий санъатни ўрганмак ва ўргатмак;

3. Ўзбек-турк тарихини, урф-одатларини ўрганиш;

4. Мактабдаги таълим-тарбияга оид масалаларни йўлга қўймоқ;

5. Илм аҳллари ва санъат ходимларига ёрдам бермоқ;

6. Туркистон, Русия ва бошқа чет элларнинг юқори, қуйи мактабларида ўқувчиларни кўпайтирмак, бунинг учун тегишли чоралар кўрмак;

7. Халқимиз орасида ҳукм сурмакда бўлғон беҳуда хурофот ва таассублар билан курашмак;

Қисқаси: ўзбек халқининг маданий ва илмий ёқлардан юксалишига ҳар бир йўл билан хизмат қилмоқдир».

Албатта, эндигина оёққа турган жамоа учун бу ишларни амалга ошириш кўп маблағ талаб этарди. Унинг устига улар ёрдам кутган жамоат муассасалари, ҳукумат маҳкамалари, асосан халқнинг ўзи нажот кутарди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Нашри маориф» уюшмасининг мақсадлари қанчалик улуғ бўлмасин, у бирданига халқ томонидан, айниқса, зиёлилар томонидан қўллаб-қувватланавермади. Бунинг давр билан боғлиқ объектив сабаблари бор. Биринчидан, уюшма маориф ва маданият соҳасида жуда катта ишларни ўз зиммасига олишига қарамай, зиё аҳлининг эътиборини қозонадиган катта тадбирларни тезда амалга ошира олмади. Иккинчидан, худди шунга яқин мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилаётган, айни пайтга келиб эса фаолияти бир оз сусайган «Кўмак» уюшмасининг мавқеси ҳали бира тўла тушиб бўлмаганди. Учинчидан, уюшма амалга оширмоқчи бўлган ишларни ҳукумат маориф идоралари ҳам режалаштирган бўлиб, унинг ижросида бир оз сустлик ва лоқайдлик ҳукм сурар эди. Маълум даражадаги ўхшашликлар юқорида айтилган ҳолатни юзага келишига сабаб бўлди.

Аслида «Нашри маориф» уюшмасининг ўша тарқоқ маориф ходимларининг бошини бир жойга жамлаш эди. Уюшманинг аҳамияти ҳақида мақола ёзиб чиққан Мунаввар (уюшма ташкилотчиларидан бири Мунаввар қори бўлса керак — Б. К.) Туркистоннинг истиқболини, ўзбек миллатининг маданий миллатлар қаторига киришини, «маданият дунёсида ўз ҳуқуқлари»га эга бўлишни маориф тараққиётида кўради. Ҳукумат маҳкамаларидан кўра кўпроқ халқнинг кучига ишонганидан шундай сатрларни ёзади: «Бу кунгача маориф ва маданият ишларини ҳукумат кучи ва ҳукумат йўли билан олиб бормоқ хаёлида бўлган маърифатпарвар ёшларимиз энди халқ кучи ва халқ ёрдами билан бўлишни олиб бормоқ фикрига келдилар».

Мунаввар ўз мақоласида дунёдаги илғор мамлакатлар маданияти ва маорифдаги ютуқларни халқ ёрдами билан қўлга киритганларини таъкидлаб, бизда ҳам асосий ишларни «ҳукумат кабинетларидан ўтириб эмас, балки қора халқ орасида» ишлаш туфайли амалга ошириш мумкинлигини айтади. Аммо Мунавварнинг қарашлари танқидга учради. Уни танқид қилувчилар Оврўпо ва Туркистондаги шароит бир-бирига мувофиқ эмаслигини асосий далил қилиб келтирдилар. Умуман олганда, уюшма юзасидан турли таклифларни, хилма-хил фикрларни кўтариб чиққан ўнлаб баҳсли мақолалар ёзилди. Кимдир соф илмий масалалар билан шуғулланиш учун «Чиғатой гурунги»ни қайта тирилтиришни таклиф этса, яна биров янги уюшма тузиб, кучларни парчалагандан кўра, «Кўмак»ни янада жонлантириш лозимлиги ҳақида куюниб мақола ёзди. Ҳаттоки «Нашри маориф» каби оти улуғ, супраси қуруқ муассасаларнинг кераги йўқ деб биламиз» қабилидаги мулоҳазаларни ёзиб, баҳслашув ахлоқини бузувчилар ҳам бўлди. 20-йилларда кўзга кўриниб қолган зиёлилардан Вадуд Маҳмуд мазкур баҳсга аралашиб, ғоят босиқлик билан «Маориф ишларимиз» номли мақоласида ўз қарашлари билан ўртоқлашади. У ўз фикрида мустаҳкам турган ҳолда ҳеч қандай жазавага тушмай, ҳеч бир тарафкашликсиз масалага анча холис ёндашади. «Биз бу ҳаракатларни («Нашри маориф» уюшмаси назарда тутилади — Б. К.) олқишлаймиз ва бошқа ишларимиз «Нашри маориф» таъсис этишимиз ишдан узоқроқ боришдир. Марказдаги маориф ишчиларимиз ва ҳукумат бошлиқларимизнинг кичкина, арзимас бир ғайрат ва ташаббуслари орқасида маориф идорасини нашри маориф руҳига айлантирмак мумкиндир ва ўзимизни ўғайликдан чиқаришимиз осондир. Фақат бир оз ғайрат, бир оз жасорат лозим...»

Мақола муаллифи шу тарзда ўз сафдошларини ғайрат ва жасоратга чорлайди. Уюшма хусусидаги ўз фикрини охирги ва ўзгармас деб ҳам ҳисобламайди. Шунинг учун бўлса керакки, мақола охирида «Идорадан: бу мақола мубоҳаса йўли билан босилди» деган изоҳ бор.

Шундай қилиб, уюшма хилма-хил таклиф ва маслаҳатлар гирдобида 1923 йилнинг июлигача фаолият кўрсатди; сўнгра тарқаб кетишга мажбур бўлди. У ўз олдига қўйган мақсадларининг маълум қисминигина амалга оширди: етти минг жилд китобдан иборат бўлган «Исҳоқия» кутубхонасини Тошкентга кўчириб келишга бош бўлди; Боку ва Германияда ўқувчиларнинг баъзиларига ёрдам пули жўнатган; эски мактаб ва қироатхоналарни тузатишда ёрдам берган; имло масалаларида баъзи ишларни амалга оширган; маориф ходимлари ўртасидаги гина-қудуратларнинг барҳам топишида бош бўлган ва ҳоказо.

Хуллас, асримизнинг дастлабки чорагидаги зиёлилар гарчи ташкилий масалаларда турли мавқени эгаллашган бўлсалар ҳам, уларнинг асосий қисмини ягона ички бир мақсад — халқнинг кўзини очиш, уни уйғоқликка чорлаш, чор Россияси оқибатларидан бири бўлмиш маҳаллий аҳолини камситиш иллатларини йўқ қилиб, миллатнинг айни пайтдаги обрўсини жаҳон миқёсига кўтариш каби емирилмас ички туйғулар бирлаштириб турар эди.

Дарвоқе, бу туйғулар бугунги кунимиз учун янгилик бўлмаганидан, эскириб ҳам улгурган эмас.

Баҳодир КАРИМОВ.

МАСЪУЛИЯТЛИ БУРЧ

Тарбиячи минбари

КЎП БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА МАСЛАҲАТ

Дарахтдан мева оламан десанг,
Ниҳолидан парвариш қил!
(Халқ мақоли).

Ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом, одобли, билимдон, меҳнатсевар ва умуман давримизнинг талаблари даражасидаги инсон бўлиб етишишини истайди. Аммо ота-онанинг фарзандини яхши тарбиялаши учун биргина хоҳиш-истакнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун ота-оналар тарбиянинг нозик томонларини ва қонуниятларини билишлари керак.

Кўпчилик ота-оналар ўз боламни яхши биламан, деб ўйлайдилар. Афсуски, баъзан янглишадилар. Ўз боламни биламан дейишнинг маъноси нимада? Бунинг маъноси шуки, болани билиш, биринчи навбатда, унинг қандай ўсаётганлигини ва уни қизиқтираётган нарсани, лаёқатини, феъл-атворини, хулқи, кимлар билан дўстлигини билиш демакдир.

Ана шуларни билгандагина боланинг қизиқишларини лозим бўлган йўлга осонлик билан ўз вақтида буриб юбориш, ёмон хулқлардан болани тийиш мумкин.

Кўпинча ҳаётда яхши болаларни кўрганимизда, қилган ишларига қараб, «отасининг боласи-да» ёки «онасига тортибди-да», деб қўямиз. Аммо айрим оиларда болага ёшлигидан нотўғри тарбия бериш ҳоллари ҳам учрайди, яъни болага қўйиладиган талабларда ҳар хиллилик сезилиб қолади. Баъзан англашилмай қилинган хато ёки ҳатти-ҳаракатлар бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади, баъзи оилаларда эса сўз билан ҳатти-ҳаракат бирлиги мезони бузилади. Натижада нотўғри тарбия топган фарзанд ниҳоятда тартибсиз, тантиқ, ишёқмас, каландимоғ, эрка бўлиб ўсади. Бундай болалар қайта тарбияланишга муҳтож бўладилар. Шунинг учун ота-она ўз бурчини адо этиши учун тарбия беришнинг ўзига хос томонларини, боласининг психологик ва ёш хусусиятларини, жисмоний жиҳатдан ривожланишини пухта билишлари керак ва зарур.

Совет медицинаси, педагогика ва психология органлари болаларнинг жисмоний ва психик ўсиш хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда болаликни қуйидаги даврларга бўлади:

1. Мактабгача тарбия ёши — ёш болалик даври — туғилгандан то 7 ёшгача.

2. Мактаб ёшидаги кичик болалик даври — 7 ёшдан 12 ёшгача.

3. Мактаб ёшидаги ўсмирлик даври — 12 ёшдан 17 ёшгача.

Ана шу 3 босқичда бола ақлий ўсишда бўлади. Шундай экан, болада 2—3-ёшданоқ дастлабки хулқ-атвор нормалари таркиб топа бошлайди. Бу пайтда болалар «мумкин» ёки «мумкин эмас» деган «яхши» ва «ёмон» тушунчаларини бир-биридан фарқ қила бошлайдилар. Иш тажрибамдан маълумки, беш ёшгача бўлган болада ўзаро бир-бирига бўлган муносабатлар таркиб топади. Бу пайтда болаларни, айниқса 4 ёшга кирганларини, саҳий, қизғанчиқ, ростгўй ёки ёлғончи деймиз. Бу пайтда ота-оналар билан суҳбатлашсак, баъзилари «катта бўлса, эси кириб қолар», дейдилар. Бу, албатта, нотўғридир. Ёш бола ҳамма нарсадан тез таъсирланади, ҳиссиётларга берилувчан бўлади. Болага тўғри тарбия бериш учун халқ анъаналаридан фойдаланиш ўринлидир. Шунинг учун мен ота-оналарга болаларга шошма-шошарлик билан тарбия бермасликларини, балки халқимизнинг азалий урф-одатлари, анъаналаридан фойдаланиб, тарбия беришларини маслаҳат бераман.

Болажон ўзбек халқимизда ажойиб бир мақол бор: бир болага етти маҳалла ота, деган. Бола улғайган сайин атрофдаги яхши одамларни кўриб, ўзидаги фазилатларини бойитади, камчиликларини йўқотишга ҳаракат қилади. Чунки, кексалар юқоридаги мақолга амал қилган ҳолда боланинг яхшиларини рағбатлантириб, ёмон одатлари учун уялтириб борадилар, бу фикрларни айтиш билан ўзбек оилаларида бола шахсини камолга етказиш учун ҳамма шароит муҳайё деган фикр билдирадилар. Ёки катта-катта тўй-маъракалар қилган ҳолда бола шахсининг ривожланиши учун зарур бўлган буюмларини олиб беришни истамайдилар. Баъзи хонадонларда болаларни 2— 3та ўйинчоғидан ташқари, қизиқарли китобчалар ҳам олиб бермайдилар, баъзи керакли «Ғунча», «Мурзилка», «Гулхан» каби ойномаларига обуна бўлишни хоҳламайдилар, «мен бир савдо ходими ёки косиб бўлсам, китобни нима қиламан», дейишади. Ваҳоланки, китобсиз ҳеч ким ўз шахсини камолга етказа олмайди.

Кейинги йилларда ҳар бир оила учун зарур бўлган «Саломатлик», «Уй рўзғор энциклопедияси», «У ким? Бу нима?» каби китоблар чоп этилди. Бу китоблар оилада бола тарбияси билан шуғулланишда жуда қўл келади. Шунинг учун ҳам ўзбек оилалари улардан фойдаланишлари учун харид қилишларини маслаҳат бераман. Шундай ота-оналар борки, болалар тарбияси билан жиддий шуғулланишни истамайдилар, боғча, мактаб бор деб болаларини ўз ҳолига ташлаб қўядилар. Болалари нотўғри йўлга кириб кетганларидан сўнг «оҳ, воҳ», қилиб юрадилар. Агарда ота-она боғча билан яқиндан алоқа ўрнатса, бола шахсининг шаклланишидаги иккиланишлар, хатоликлар рўй бермайди.

(Давоми 4-бетда).

ЁШ РАССОМНИНГ ШУҲРАТИ

14 ёшли Нурали Бобомуродов Ҳиндистоннинг Москвадаги элчихонаси стипендиясига сазовор бўлган дастлабки ёш ўзбек рассомларидандир. У энди уч йил мобайнида ҳар ойда 250 сўм миқдорида моддий ёрдам олиб туради. Ашок Мукержи бошқараётган Ҳиндистоннинг Тошкентдаги бош консулхонаси ҳам йигитнинг тақдири билан қизиқиб қолди.

Шу вақтгача кўпчиликка нотаниш бўлган ўзбекистонлик ўсмир Ҳиндистон дипломатлари эътиборини нимаси билан ўзига жалб этди? Ижоди билан!

Нурали асли Сурхон воҳасидандир. Термиз ноҳиясидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида унинг ота-онаси яшайди. Отаси Абдурасул ака қишлоқ мактабида немис тилидан дарс беради. Онаси Норжамол эса фаррош бўлиб ишлайди. Бола ёшлик йиллариданоқ расм чизишга қизиқар, ўзи туғилиб ўсган ерларнинг, яйлов ва қирларнинг манзараларини, қуёш ботишининг гўзаллигини, одамларнинг чеҳрасини қоғозда акс эттиришга уринарди.

Унинг ана шу эҳтиросларини, интилишлари оддий бир мойиллик бўлиб қолиши мумкин эди. Лекин Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев ўз жажжи юртдошининг истеъдодига эътибор қилди. Санъаткор боланинг Тошкентда ўқиши зарурлигини айтди ва бунга ёрдам берди. Республика болалар ижодиёти марказининг ранг-тасвир санъати шўъбасига Нурали имтиҳонсиз қабул қилинди. Рўзи Чориев эса болани ўз гуруҳига олди. Ёш рассом ҳозир Тошкентдаги 110-мактабнинг 8-синфида ҳам ўқимоқда. Бироқ яшаши учун дурустроқ жой топилмаяпти, дастлабки вақтларда Нурали устозининг устахонасида ётиб юрди. Кейин эса болалар ижодиёти марказининг ўзида, кичик бир хонада вақтинча яшашга руҳсат олди.

Нурали ўзининг бутун бўш вақтини ранг-тасвир санъатига бағишлайди. Ижодининг «Тошкент даври» дарҳол эътиборни жалб қилди. Унинг асарлари Волгоградга, ёш рассомларнинг «Дунё гўзаллиги» деб аталган VIII халқаро танловига юборилди. Акварелда яратган асарлар туркуми учун «Советская женщина» ойномасининг ҳамда «Прогресс» ёшлар илмий-техника ижодиёти Волгоград марказининг дипломи ва соврини билан мукофотланди. Шундан кейин уни ҳинд тилини ўрганаётган Тошкент мактабларининг ўқувчилари ҳамда ТошДД шарқшунослик факультети талабаларининг бадиий асарлари кўргазмасида қатнашишга таклиф қилдилар. Унинг альбомида Ҳиндистонга бағишланган талайгина асарлар бор эди.

У ана шу асарларини, шунингдек «Она юртим — Ўзбекистоним!» туркумидаги асарларини Жавоҳарлал Неру таваллудининг 102 йиллигига бағишланган кўргазмага тақдим этди. Кўргазмани Ҳиндистоннинг Москвадаги элчиси бошчилигида катта делегация келиб кўрди. Меҳмонлар Нуралининг асарларига юқори баҳо беришди, унга катта қизиқиш билан қарашди: «Умрида бир марта ҳам мамлакатимизда бўлмаган бола уни қандай қилиб шу даражада чиройли тасвирлади экан? Унинг бу интилишлари қаердан пайдо бўлган?».

Мана, ниҳоят Москвадан Нурали Бобомуродов учун махсус стипендия таъсис этилгани тўғрисида хабар келди. Ҳиндистоннинг Тошкентдаги бош консулхонаси эса ўз навбатида истеъдодли ёш рассомни тарбиялагани учун болалар ижодиёти марказига миннатдорчилик билдирди ва унинг шахсий кўргазмасини ташкил этиш хоҳиши борлигини айтди. Нуралининг шахсий кўргазмаси Тошкентда январь ойининг охирларида очилиши режалаштирилган.

Биз Нуралига шу қадар эътибор берганларидан жуда мамнунмиз. Дарвоқе, бу бизнинг Ҳиндистон билан биринчи алоқамиз эмас, — дейди марказ директори Санобар Шодиева. — Рама Кришна санъат мактаби — академияси тингловчиларининг кўргазмасида бундай алоқаларга асос солинганди, ўшанда кўргазмага машҳур маданият арбоби Адхауа Дая Сирта бошчилигидаги делегация ташриф буюрганди. Энди эса мунтазам кўргазмалар алмашишни, ўзаро ижодий сафарлар ўтказишни режалаштиряпмиз. Ҳиндистон миллий ғовга буюмлари салонини очиш ниятимиз ҳам бор.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

ҲАР ТЎҒРИДА

ОТТАВА. Канадада 45 йилдан буён давом этаётган анъанага хотима берилди: яқин келажакда гўзаллик танловлари ўтказилмайдиган бўлди. Ҳар йили шундай танловни ўтказадиган «Бейтонс» компанияси бундай қарорга келишнинг асосий сабаби жамиятнинг ана шундай томошаларга муносабати ўзгарганлигидадир, деди. Кўп одамлар гўзаллик танлови аёлларни камситади, деб ҳисоблайдилар. Сўнгги «Канада хоними» танловида даъвогарларни чўмилиш кийимида кўрсатиш бекор қилинган эди.

Мамлакатдаги барча йирик хотин-қизлар ташкилотлари бу янгиликни табрикладилар. Хотин-қизларнинг энг катта ташкилоти — аёллар мавқеи миллий ҳаракат комитети «Канада хоними» танловни кўпдан буён одамларга мақбул бўлмай қолганини айтди. «Келинглар, ҳар нарсани ўз номи билан атайлик, — деди Канада хотин-қизлар миллий кенгаши ижроия комитетининг аъзоси Мариэл Битти. — Танлов — шунчаки жувонлар ярмаркасидир».

●

РИМ. Итальян экологлари ташвишга тушиб қолишди: дарёлар яқинидаги деярли барча чўмилиш жойларини ҳатто мавсум оралиғида ҳам пластик чиқитлар босиб кетмоқда. Гап, аввало, целлофан халтачалар, минерал сув солинадиган бўш полиэтилен шишалар, синтетик материалдан тайёрланган пахтали қулоқ тозалагичлар тўғрисида бормоқда.

Чиқитларнинг 35 фонзини табиий шароитда узоқ сақланадиган кимё саноати маҳсулоти ташкил этади, шундан 20 фонзи, мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда, ана шундай қулоқ тозалагичлардан иборат. Ҳар хил рангдаги бундай синтетик чўплар ҳамма чўмилиш жойларига ташлаб кетилаверади. Шу сабабли атроф-муҳитнинг ҳимоячилари дарёлар яқинида соҳилларнинг фалокатли аҳволи ҳақида гапира бошладилар.

КЎП БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА МАСЛАҲАТ

(Боши 3-бетда).

Халқимизда «Қуш уясидаги қўрганини қилади» деган нақл бор. Қайси оилада ота-она ғайратли, меҳнатсевар бўлса, тарбияланаётган бола ота-онасидан ўрнак олади. Мана, бир мисол: Гулнора эндигина беш ёшга тўлди. У жуда чаққон, абжир, меҳнатсевар, озода, кийимбошини тартибли сақлайдиган қизча. У ўртоқлари билан ўйнаётганида ҳам ширин сўзлар билан муносабатда бўлади, ўртоқларини ҳурмат қилади, сира ёмон ҳаракатлар қилмайди, аксинча, ёмон қилиқлар қилиб ўртоқларини ҳақоратлайдиган тенгдошларини кўрса дарров яраштириб қўяди. Гулнорани, бундай тартиблилигини кўриб, ич-ичимдан хурсанд бўлардим, шу мақсадда уларнинг оиласи билан танишиб келишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Бу оилада 9 та фарзанд, 30 невара, 7 эвара бўлиб, оила бошлиғи Солижон ака ва Робияхон ая Алиевалар ўзаро бир-бирлари билан жуда иноқ яшар эканлар. Ота-онанинг кўнглига қарар, ҳурматини жойига қўяр, қилган ишларини қадрлар экан. Она болаларига отаси ишдан чарчаб келганида салом бериб, қўлидаги юкини олишга, юмшоққина жой солиб, орқасига суянчиқ қўйиб, қўлларини ювдириб, сўнг олдига нон-чой келтириш ишларини ўргатар эканлар. Шу сабабдан бу оиладаги акаука, опа-сингиллар бир-бирига меҳрибон, дилкаш, ширинсўз, бир-бирини ҳурматлайдиган фарзандлар бўлиб етишибдилар.

Гулнора билан бирга шу гуруҳда Наргиза исмли қизча ҳам бор. Наргиза боғчага доимо сочлари тўзғиган, юзлари ифлос, соч ва тирноқлари ўсган, кийимларидаги тугмалари узилган ҳолда кириб келар эди. Қанча гапирмай, боғчада озодаликка ўргатмай, барибир ўша ҳолатда кириб келарди. Бир куни Наргиза боғчага қатнамай қўйди. Шу сабаб бўлиб Наргизаларникига бордим. Эшикни онаси очди. Сочи ҳўрпайиб кетган, халатининг олдини тугма ўрнига катта тўғноғич билан қадаб олибди, оёғида катта калиш. Кўрдим-у, таъбим хира бўлди. Наргиза қаттиқ шамоллабди. Мени у ётган хонага бошлади. Қайси кўз билан кўрайки, гилам ёйилган уйда оёқ босишга жой йўқ, кўрпа, ёстиқ, ўйинчоқ кийимларга аралашиб-қалашиб ётибди. Онаси Наргиза уйқуда бўлишига қарамай, шанғиллаб гапира кетди. 3 та болани катта қилгунча она сутим оғзимга келди каби гапларни айтди. Мен, майли, ўтиб кетади, секинроқ гапиринг, уйғотиб юборасиз, болангиз ором олсин, дедим, хонани тоза қилиб йиғиштиришларини айниқса, касал ётган хонанинг ҳавосини тез-тез шамоллатишларини тайинладим. Ўзимча ўйлаб келдим, Наргизадаги етишмовчилик оиладаги тарбиянинг қусури экан. Оилада ҳар томонлама тарбия олган бола боғчага борган кунлариданоқ шароитга тез мослашади. Бундай болалар дадил, ҳозиржавоб бўлишади, ҳамма нарсага зўр қизиқиш, ишонч билан қарайдилар. Агар болага бефарқ қаралса, бу истак хоҳиш, интилишлар секин-секин сўниб боради. Шу мақсадда мен боғчада ҳозирги пайтда ўзбек миллий ўйинларимизни қайта тиклаш борасида кўпгина ишларни олиб боряпман. Ўйинлар киши учун беланчакда ётадиган чоғидан бошлаб қариғунча кўнгилочар ва қизиқарли машғулот сифатида дам олиш манбаи ҳисобланади. Мана шундай ўйинлардан: «Қоч, болам, қуш келди», «Аввалакам», «Тапур-тупур қалдирғоч», «Солай-солай», «Ўн икки таёқ», «Пар этди-ю, пар этди», «Оқ —шоли, кўк—шоли», «Оқ теракми-кўк терак» каби ўзимизнинг миллий ўйинларимизни ўргатиб бормоқдаман. Ўйинларнинг умри узоқ бўлади. Ота-оналар ҳам ўйиндан тарбиянинг қулай воситаси сифатида фойдаланишлари керак. Бу ўйинлар болаларни чиниқтиради, кучига куч, ақлига ақл қўшиб, соғлом қилади ва иродасини мустаҳкамлайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, бола тарбиясини илк ёшдан бошлаш керак. Ёшлигида ўрганилган яхши одатлар хулқ-атворига сингиб кетади. Бола қанча ёш бўлса, шунча тарбиявий таъсирга берилувчан бўлади. Оила ҳаётидаги тартиб болани вазмин, одобли, сўзга чечан ёки, аксинча, бундай яхши тартиблар бўлмаса, боланинг ишёқмас, тартибсиз, гапга қулоқ солмайдиган бўлиб ўсишига сабаб бўлади. Бунинг ўрнига тушунтириш, дашном бериш, яхши гап билан ўртоқларини намуна қилиб кўрсатиш усулларидан фойдаланиш зарур. Бундан ташқари, ўзбек халқ педагогикасидан унумли фойдаланиш, болаларнинг ўз она тилига, халқига, унинг урф-одатларига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

З. НАСРИДДИНОВА,
Фарғона вилояти Ўзбекистон ноҳиясидаги 4-сон «Ғунча» болалар боғчасининг бош тарбиячиси.

ЯНГИ ФИЛЬМНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Муаллимлар ҳаёти ҳақида телевизион ёки ҳужжатли фильмлар кўрганмисиз? Албатта, бу саволга ҳамма ҳам «ҳа» деб жавоб бера олмаса керак. Нега? Чунки бу одатий анъана бўлмай, балки муаллимлар аҳён-аҳёндагина бунга муяссар бўлишлари мумкин. Бироқ...

Куни кеча Ўзбекистон Киночилари уйида «Юртимнинг азиз сиймолари» номли ҳужжатли фильм намойиш этилиб, киночилар ва мухлислар томонидан қизғин кутиб олинди. Унда ҳаёт машаққатлари, синовли даврлардан дадил қадамлар билан ўтган, ўз эли, халқи учун керак бўлганда жонини ҳам аямаган, жумҳуриятимизнинг турли вилоятларида истиқомат қилиб, Ўзбекистоннинг мустақиллиги йўлида ўни ҳимоя этиб, ёшларни ҳам шу йўлдан боришга ундаётган уч нафар тажрибакор турли мутахассисликларнинг вакиллари ҳақида ҳикоя қилинади.

Ана шу ҳужжатли фильмда қорақалпоғистонлик тажрибакор ўқитувчи Алланиёз Утеннёзовнинг ҳам борлиги диққатга сазовор. Алланиёз ака ҳақида икки оғиз сўз: у бир неча ўн йилдирки, умрини педагогликдек машаққатли меҳнатига сарф айлаб, ёшларни тўғри йўлдан боришга даъват этиб келади. Ўтган оғир йилларда ҳам унинг биринчи галдаги вазифаси фақат ёшлар тарбияси бўлди. Кези келиб панд еган вақтларида ҳам ҳеч қачон ўзи тутган йўлдан қайтмади. Унинг ана шу хислатлари ота-оналари, кенг жамоатчилик, энг муҳими, ҳамкасблари орасида янада обрўйини оширди. Шу кунларда ҳам Қорақалпоғистон жумҳуриятининг фахрли ўқитувчиси Алланиёз Утениёзов ўз касбини шарафлаб, ёшларга сабоқ бериб келмоқда.

Суратда: А. УТЕНИЁЗОВ.
Ф. ХУЖАЕВ тасвири.

СЕРМАЗМУН САҲИФА

Рўзномамиз саҳифаларида ўқимишли мақолалар тобора кўпроқ берилиб борилаётганидан ниҳоятда мамнунмиз. Чунончи, «Маърифат»нинг 1991 йил 16 ноябрь сони 2- ва 3-саҳифаларида берилган мақолалар бизда катта қизиқиш уйғотди. Бунда кузатилган дарс ва ўқитувчи қўллаган янги услублар ҳақида жуда яхши фикрлар берилган. Биз ҳам дарсларни кузатгандек ҳис қилдик ўзимизни.

Тажрибали ўқитувчиларнинг илғор услубларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Ягона илтимосимиз, рўзномада шу каби амалий ишлар билан боғлиқ мақолалар кўпроқ ёритилиб борилса.

Қашқадарё вилояти Ульянов ноҳиясидаги К. Маркс номли мактаб ўқитувчилари номидан
Э. ХОЛМУРОДОВ.

ТАЖРИБА

МИЛИЦИЯГА ИШГА КИРГАН БЎЛУР ЭДИМ...

Комсомолобод ноҳиясининг Оқолтин қишлоғидаги ўрта мактабда махсус синф очилди. Бу синф ўқувчилари милиционерлик касбининг сир-асрорларини ўрганадилар. Махсус синфнинг очилиши — ноҳия ички ишлар бўлими, маъмурий идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари ташаббусининг натижаси бўлди. Ноҳия ички ишлар бўлими ишларини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, милиционерларнинг кўпчилиги бошқа шаҳарлар ва ноҳиялардан бўлиб, қўриқда вақтинча ишлар экан. Ерлик қишлоқ ёшларидан милиция кадрларини тайёрлаш зарурлиги тўғрисидаги фикр шу тариқа пайдо бўлди.

Мактабни тугатгандан сўнг ички ишлар идораларида ишлаш хоҳишини билдирган ноҳиядаги умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларидан 25 киши суҳбатлашилгандан сўнг махсус синфга қабул қилинди. Машғулотлар дастурига давлат ҳуқуқи асослари, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари, криминалистика асослари, жисмоний тарбия сингари дарслар киритилган.

Андижон вилояти мактабларида янги ўқув йилидан бошлаб бўлажак милиционерларнинг яна бир неча синфлари очилади.

(ЎзТАГ мухбири).

МИТТИ ҲИКОЯЛАР

ҚИСМАТ

Кунгабоқарнинг одати қизиқ: сертавозе. Саҳардаёқ Шарққа боқади, дароз бўйнини чўзиб, қуёшни қаршилайди. Ер билан иши йўқ, гўё офтоб у учун яралган, унинг нурисиз кунгабоқарга ҳаёт йўқдек. Бутун вужуди билан офтобга талпиниб, палахса-палахса япроқларини нурга рўбарў этиб, кун бўйи қуёшга термулгани-термулган. Қуёш эса парвосиз, бутун борлиққа бир хил нур тарайди, кунгабоқарнинг тавозеларини сезмайди ҳам. Ниҳоят офтоб шомда Ғарбга ботиб кетади. Кунгабоқар зарини гардиш гулбаргларини очганича «хўрсиниб» қола беради. Унинг ғамгин ҳолатини сезган сарин еллар гулбаргларини сийпалайди, япроқларини эркалаб ўйнайди.

— Ҳафа бўлма, кунгабоқаргинам, — дейди шабада. — Таниоянг соғ, илдизинг тупроққа қадалган, она ердан мадор олиб турибсан, барча қатори яшаряпсан.

— Эҳ, қуёшсиз яшаришнинг не хожати бор, — бош силкийди кунгабоқар. Гул япроқларига кўзёш — шудринг қалқади. Яна умид билан Шарққа боқади, қуёш чиқишини кутади. Офтоб чарақлаб чиққанда у яйраб кетади.

— Ассалом, қуёшим! — энтикади кунгабоқар юзлари ял-ял ёниб. Бироқ офтоб яна бепарво... Бутун ёз кунлари шундай ҳол такрор-такрор бўлаверади. Ниҳоят куз келади. Кунгабоқарнинг дароз бўйлари эгилиб, парча-парча япроқлари шалвираб қолади.

— Кунгабоқар, нечун бўйинларинг букр? — сўроқлайди салқин шабада ундан. У эса дамини ичига ютиб, сукут сақлайди. Нима ҳам десин, офтоб йўлларига қараверив, бўйним қотиб қолди десинми?

— Кунгабоқар, нега қараб қолдинг, самога тикил, мана булутлар ортидан қуёш мўралаяпти. Ёки сен офтобдан аразладингми? — ғувуллаб қаҳ-қаҳлайди совуқ шамол.

Кунгабоқар нима ҳам дерди. Ёз бўйи қуёшга тикилаверив юзлари қорайди, заррин гардиши—гулбаргларидан айрилди. Энди унинг юзларидан ҳатто боларилар ҳам бўса олмай қўйди. Энди юзқаролик билан она ерга илтижоли боқади. Қанийди бу ҳолатда эгилган бошини кесмасалар, поясини илдизи билан суғуриб отмасалар...

Ана далада алланарса гувиллаяпти. Кунгабоқарнинг вужуди титрайди: комбайн келяпти!

Наҳот одам қисмати ҳам шундай бўлса?!

АСАЛАРИЛАР

Баҳор чоғи ўрмондаги улкан дарахт кавагида асаларилар ин қурди. Уя ердан баландда — қурт-қумурсқалардан ҳоли бутоқ остида — ёғин-сочиндан хавфсиз эди. Асаларилар ана шу хотиржамлик туфайлими ёки ирсий одатими, ҳар ҳолда умид билан ишга киришишганди. Кавак тешиги доимо тирбанд: бири кириб-бири чиқади. Улар минг-минглаб гуллардан зарралаб йиғган нектарларини уяга келтиришиб, жамлашарди. Асалариларнинг жон-жаҳд билан қилаётган меҳнатларининг мақсади ҳам аён: қиш-қировли кунларда оч қолмаслик, қирилиб кетмаслик, тўқ яшаш.

Асаларилар баҳорда, ёзнинг жазирама кунларида ҳам тиним билишмади. Боғлардан, ўтлоқлардан, даралару мовий чўққилар ёнбағирларидан, далалару сойлар бўйидан, қўйингки қаерда ғунча гул очган бўлса, ўша жойдан бол йиғишди. Улар қанчадан-қанча қийинчиликларни ҳам бошдан кечиришди: куркунаклар қувғини, қовоқарилар ҳужуми, тўзонлару гирватларда қолиб кетиш, ўргимчак тўрларига илиниб қолишлар — хуллас олам-олам машаққату жонҳалакликлар. Ҳалокатлар ҳам бўлди. Начора, кураш қурбонсиз бўлмайди!

Куз келди. Ўрмонда изғиринли кунлар бошланди. Экинлару гулларни совуқ урди. Кейин эса ёмғир, қор... Хуллас, асаларилларнинг баданлари увишиб, уядан чиқолмай қолишди. Улар учун энди ёзда тўплаганни қишда ётиб ейдиган вақт бошланганди.

Изғиринли куз кунларида баъзи ҳайвонлар, шу жумладан, айиқларнинг қиш уйқуси олдидан ўлжа излаш онлари бошланади. Ўрмондаги малла паҳмоқ айиқ ҳам улкан дарахт кавагига асаларилар уя қуриб, бол тўплаётганини аллақачон сезганди. Бироқ айиқ болни ўлжа қилиш учун қулай фурсат келишини кутиб юрарди. Малла паҳмоқ айиқ искаб-искаб ниҳоят улкан дарахт остига келди. Асаларилар уя қурган каваккa разм солди, тумшуғини баланд кўтариб яна искади, оғизларидан сўлак оқа бошлади. Ниҳоят, маймоқ қўл-оёқлари билан дарахт танасига тирмашиб, уч-тўрт интилишдаёқ бутоққа чиқиб, ростмана ўрнашиб олди. Сўнг ўткир тирноқли панжаларини кавакка ростмана суқди. Тайёр қуюқ асал тирноқларига илашгач, бураб-бураб, тортиб олиб, пок-покиза тушира бошлади. Асаларилар кавакда ғувиллаларда, айиққа деярлик қаршилик қилишолмасди, чунки улар инларида уймалашиб-увишиб қолишганди. Шундай бўлса-да, беш-ўн асалари ҳар сафар айиқ панжаларига илашиб чиқар, айиқ тумшуғига, бошининг паҳмоқ юнгларига ёпишарди. Бироқ улар айиқни чақолмасдилар. Айиқ мажолсиз асаларилларга кўзи тушиши билан мажақлаб ташлар ёки силкиб тушириб юборарди. Эҳ, ҳозир баҳор ёки ёз бўлганидами! Ўлимдан ҳам чўчимайдиган бу асаларилар айиқни талаб, шундай додини берардилар-ки, бу малла паҳмоқ айиқ тугул қора айиқ ҳам бўкириб ўрмонга қочган бўларди. Начора, айни пайтда асаларилар ожиз, паҳмоқ малла айиқ зўр эди. Ёввойи табиат қонуни шундай! Асаларилар бу ҳол юз беришини олдиндан билишса, эҳтимол, бол эмас, заҳар йиғишарди, заҳар!

Малла паҳмоқ айиқ тўйгунича бол еди. Кейин ўткир тирноқли панжаларини ялаб-юлқаб, дарахтдан сирғалиб тушди. Юнгларига ёпишиб қолган чалажон асаларилларни силкиб-силкиб туширди. Сўнг тўрт оёқлаб лапанглаганича ўрмон оралаб кетди. Улкан дарахт остида эса мажақланган асаларилар сочилиб ётарди. Уларнинг чалажонлари эса қиров босган ердаги япроқларда, шох-шаббаларда, дарахт пўстлоқларида ғимирлайди, яшаш умидида уясига интилади.

Дарахт кавагидаги уя ичида асаларилар заиф ғинғиллайди. Бу жонзодларнинг ғинғиллаши аллақандай юракни эзадиган йиғинимми, инграшнимми эслатади. Уяда эса бол юқларигина қолган. Асаларилар бахтига ишқилиб қиш қаттиқ келмасин-да!

Асаларилар тақдирининг тақазоси қалбимни титратиб ўтди. Нега дейсизми? Ахир меҳнаткаш она халқимнинг кечаги кунлари ва бугуни ҳам асаларилларга жуда-жуда ўхшаб кетади-да...

Маҳкам РАҲМОНОВ.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

УТГАНЛАРНИНГ ЖОЙИ ЖАННАТДА БЎЛСИН

Тошкент давлат муаллимлар олий илмгоҳи жамоаси ҳамда умумий педагогика кафедраси жамоаси педагогика фанлари номзоди доцент Раъно Ҳидоятовна Салкаевага онаси

Зуҳро САЛКАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика олий илмгоҳи раҳбарияти ва математика куллиёти жамоаси алгебра ва сонлар назарияси кафедрасининг доценти Очил Мусурмоновга акаси

Соли ЛУТФУЛЛАЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
6491-буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00 Босишга топширилди 20.00. Тиражи 140000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12